2005 YIL 12 IYUL, SESHANBA

# Qishloq HAYOTI

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 82-83. (6.920). Sotuvda erkin narxda


## Фарғона аёлларининг Андижон воқеалари муносабати билан ҳур Ўзбекистон хотин-қизларига

# МУРОЖААТИ

***Азиз ватандошлар, кайвони момолар, мунис оналар, дилбар опа-сингиллар!***

Азал-азалдан Шарқда Она, Аёл буюк эҳтиромга сазовор бўлиб келган. Чунки у бунёдкор, яратувчи, авлодларнинг олтин шажарасини боғловчи муқаддас ришта. У бутун инсониятнинг беназир тарбиячисидир. Ватан деганда онани англайдилар. Бу қиёсда буюк бир ҳақиқат борки, Она Ватан каби муқаддас, Ватан Она каби азизу мукаррамдир!

Яратувчимиз онанинг жисму жонига шундай бир қудратни жойлаб қўйганки, унинг меҳридан бутун олам мунаввар, қаҳридан эса жами ёвузликлар, қабоҳатлар куйиб кул бўлғусидир.

Аёлни она табиат фақат эзгулик, бунёдкорлик учун яратган. Аёли бор уйнинг чироғи ўчмайди, аёл улуғланган жамият фақат тараққиёт сари боради, деб бежиз айтмайдилар. Бугун Она Ўзбекистонимиз айнан ана шу йўлдан бораётгани ҳаммамизга аён. Лекин ўзи танлаган мустақил, барқарор йўлдан бораётган мамлакатимиз тараққиёти айрим ғаразгўй бадкирдорларга хуш келмаётганган ўхшайди - шу боис улар бизнинг дадил йўлимизга ғов ташлаш пайига тушиб қолдилар. Андижон воқеалари ана шу ёвуз ниятни фош қилиб қўйди.

Муҳтарам Юртбошимизнинг жасорати, халқимизни энг қалтис вазиятдан олиб чиқиш борасидаги салоҳияти, ақл-идроки, халқимиз, Андижон аҳлининг она-юртга садоқати туфайлигина ғанимлар ўз ниятларига эриша олмадилар, юз бериши мумкин бўлган фожиаларнинг олди олинди. Аммо бир қатор бегуноҳ одамларнинг ҳам қони тўкилди. Бу қонлар хорижда туриб айрим фарзандларни ўз ота-онасига қарши қайраганларни, арзимаган чойчақага сотилиб ўз юртининг тинчини бузган, ғаламис ватанфурушларни бир кун келиб албатта тутиши муқаррардир!

**Муҳтарама оналар, қадрли опа-сингиллар!**

Бўлиб ўтган воқеаларга теран нигоҳ билан қарар эканмиз, тинч ҳаётимизни кўра олмаётган бузғунчилар домига илинганлар ҳам сизу бизнинг фарзандларимиз эканлиги дилимизни оғритади. Ахир, уларни ҳам биз каби оналар дунёга келтирган эмасми? Айрим фарзандларимиз, муқаддас ислом динини ниқоб қилаётганларнинг қалтис йўлига билиб-билмай қадам босганлари ачинарли ҳолдир. Бу ўринда биз аёллар ҳам бепарволикка йўл қўйганимизни тан олмоғимиз лозим.

Ўйлаб кўрайлик, бўлиб ўтган мудҳиш воқеалар қайта тикланаётган ўзбекона қадриятларимиз, исломий маърифатимизнинг қайси жиҳатларига тўғри келади ўзи?!

Келинглар, биз оналар ҳам ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам ва ҳеч кимдан кам бўлмаслиги йўлида Президентимиз олиб бораётган оқилона сиёсатга жону дилимиз, бутун иймонимиз билан қўшилиб, жипслашайлик. Ахир, мамлакатимизда истиқлолнинг ўтган қисқа даврида асрларга татигулик ишлар рўёбга чиқарилмадими?!

Азалий бир ҳақиқат бор - асл ўғлон, ҳақиқий эркак бошига қилич келганда ҳам ўз онасига, синглисига, опасига, демакки, Ватанига хиёнат қилмайди! Бутун оналик, аёллик меҳримизни, маҳоратимизни ана шундай мард эркакларни тарбиялашга бахшида этайлик! Кимларнинг авлодлари эканлигимизни бирор дақиқа ҳам унутишга ҳаққимиз йўқ. Керак бўлса, Ватан шаъни, шавкати учун жонимизни ҳам беришга тайёр фидойилар бўлайлик!

Биз, фарғоналик аёллар ишонч билан, виждонимизни ўртага қўйиб айта оламизки, Ўзбекистонга кўз олайтираётганлар хомтама бўлмасинлар. Ўз тараққиёти йўлидан Президентимиз Ислом Каримов етакчилигида дадил олға бораётган Ўзбекистонимиз, аждодлари анъанасига содиқ қолган ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди!

Келинглар, бундан буён биз оналар - кипригимиз устида асраб-авайлаб ўстирган фарзандларимизнинг адашиб, ғанимлар қўлига тушиб қолишларига асло йўл қўймайлик! Ўзбекистон Алпомишдек алп йигитлар, Ойбарчиндек садоқатли қизлар юрти эканлигидан ҳамиша фахрланиб яшайлик!

## Куннинг муҳим воқеалари

● **Нишон туманида Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалиги ходимларининг долзарб вазифаларига бағишланган кўргазмали семинар бўлди.**

● **Тошкент шаҳридаги Ғафур Ғулом номли маданият ва истироҳат боғида лапар ва ўлан ижрочилари республика биринчи фестивали якунланди.**

● **Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университетида «Ислом зиёси ўзбегим сиймосида» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди. Тадбирда давлат ва жамоат муассасалари раҳбарлари, олимлар, таниқли уламолар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган конфессиялар, хорижий дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар.**

● **Нукус шаҳридаги ёзги амфитеатрда «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» шиори остида ёшлар фестивали бўлди.**

● **Урганчда фуқаролик жамиятини шакллантиришда хотин-қизларнинг ролини ошириш масаласига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.**

● **Янгийўл шаҳар автомобиль мактабида чақирув ёшидаги йигитлар ўртасида кўпкураш бўйича вилоят биринчилиги якунланди.**

● **Нукусда Республика «Маънавият ва маърифат» марказининг Қорақалпоғистон бўлими овул фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари учун ўқув курслари ташкил этди.**

● **Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институти ҳамкорлигида талаба-ёшлар ижодиёти олтинчи кўрик-фестивали якунланди.**

● **Пойтахтимизда «Янги авлод тармоқларини стандартлаш ва ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш» мавзуида анжуман бўлиб ўтди.**

● **Бахмал туманидаги 45-мактаб жамоаси Япониянинг мамлакатимиздаги элчихонаси томонидан ўтказилган «Ўзбекистон билан ижтимоий-иқтисодий ҳамкорлик» мавзуидаги танловда ғолиб чиқди.**

# 2005 йил - Сиҳат-саломатлик йили



**Самарқанд туманидаги «Оҳалиқ» қишлоқ врачлик пункти истиқлол шарофати билан бунёд этилган шифо масканларидан бири саналади. Ушбу қишлоқ врачлик пункти шифокорлари 6 мингдан зиёд аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатишмоқда. Оҳалиқ, Оқбўйра қишлоқлари аҳли бу шифо масканидаги саломатлик посбонлари, тиббиёт ходимларидан мамнун.**

**СУРАТДА: ҳамшира Баҳора Акрамова муолажа хонасида.**

**А.БАХТИЁРОВ олган сурат.**

# Изларни йўқотишга уриниш

***БМТ ҚОКБ ва қатор ҳуқуқ ҳимояси ташкилотларининг Лутфулло Шамсутдиновни Ўзбекистонга топширмаслик борасидаги талаблари асоссиздир.***

***Тошкент (6 июл – РИА "Новости", Абу Али Ниёзматов).***

БМТ Қочоқлар бўйича Олий Комиссари Бошқармаси ва қатор ҳуқуқ ҳимояси ташкилотларининг Олма-отада ҳибсга олинган Лутфулло Шамсутдиновни Ўзбекистонга топширмаслик борасидаги талаблари асоссиздир. Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизматида РИА "Новости"га ана шу ҳақда маълум қилишди.

"4 июл куни Олма-ота шаҳрида қўлга олинган Ўзбекистон фуқароси Лутфулло Шамсутдиновга нисбатан Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси томонидан Ўзбекистон Жиноят Кодексининг "Ўта оғир оқибатлар келтириб чиқарган терроризм" ва "Аҳоли ўртасида саросима уйғотиш мақсадида ахборот тарқатиш" моддалари бўйича жиноий ишлар қўзғатилган", дейишди Ўзбекистон Миллий Хавфсизлик хизматида.

МХХ жамоатчилик билан алоқалар бюроси раҳбари Олимжон Тўрақуловнинг сўзларига кўра, Шамсутдиновга нисбатан республикада қидирув эълон қилинган ва у бошқа бир "ҳуқуқ ҳимоячиси" деб аталмиш Саиджаҳон Зайнобиддинов билан битта жиноят иши бўйича айбланмоқда. Шунингдек, бюро раҳбари таъкидладики, Шамсутдинов ўз оила аъзолари билан 27 май куни Қозоғистонга учиб кетганлиги ҳақидаги хабар "ҳақиқатга тўғри келмайди", "Шамсутдинов ва унинг оиласи Тошкент аэропорти чегара назоратидан ўтганлар рўйхатида қайд этилмаган" , деди Тўрақулов.

"Бундан ташқари, - деди у, - терговорганларида Шамсутдинов ва Зайнобиддиновларнинг Андижон шаҳридаги фожиали воқеалар чоғида аввалдан олинган буюртма асосида ҳаракат қилганликлари ҳақида далиллар бор".

Тўрақуловнинг изоҳлашича, "Шамсутдинов ўз "буюртмачиларига" Андижондаги воқеалар ҳақида ахборот бериш, шунингдек, воқеа жойидан олдиндан била туриб сохта хабарлар тарқатиш учун керак бўлган".

"Ўзбекистон махсус хизмат маҳкамалари Шамсутдиновнинг оиласи билан Тошкентга, у ердан эса дипломатик рақамли автомобилда Қозоғистонга яширин тарзда ноқонуний олиб кетилганлиги ҳақида рад этиб бўлмайдиган далилларга эгадир", дея қўшимча қилди МХХ бюросининг раҳбари.

"Биз ушбу воқеа юзасидан қатор оммавий ахборот воситаларида кўтарилаётган шов-шувларни изларни йўқотишга уриниш, деб ҳисоблаймиз", дея таъкидлади Тўрақулов.

# Важларини келтириш ҳуқуқига эга

***Таҳририятимизга Тошкент вилояти Бўка тумани "Ровот" жамоа хўжалигида яшовчи фуқаро Б.Ҳусановнинг ўз ҳуқуқлари бузилаётгани ҳақида ёзган шикояти Тошкент вилоят прокуратураси томонидан ўрганилди. Вилоят прокуратураси таҳририятга тақдим этган, жавобда шундай дейилади:***

"Даъвогар Б.Ҳусанов судга даъво аризаси билан мурожаат этиб, 1994 йил 16 март куни Бўка тумани ҳокимининг 180-сонли қарорига асосан Э.Ҳусанов номли деҳқон-фермер хўжалигининг 1995 йил 27 феврал кунги умумий йиғилишининг 1-сонли ҳамда 1997 йил 6 март кунги қарори билан озод қилиниб, унинг ўрнига акаси М.Ҳусанов хўжаликнинг раиси этиб сайланганлигини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 июлдаги 300-сонли қарорига асосан М.Ҳусанов хўжаликнинг раҳбари сифатида аттестациядан ўтказилганлигини, шу билан бирга хўжаликнинг янги Низоми ҳам қайта рўйхатдан ўтказилганлигини, Э.Ҳусанов номли фермер хўжалиги Бўка тумани ҳокимининг 1998 йил 8 октябрдаги 363-сонли қарори билан қайта рўйхатга олиниб, хўжалик раҳбари сифатида М.Ҳусанов кўрсатилганлигини, ушбу ҳолатлар унга 2003 йил сентябр ойида маълум бўлганлигини, шу сабабли юқорида қайд қилинган қарорларни бекор қилиб, "Э.Ҳусанов" фермер хўжалигини қайта рўйхатга олишни ва фермер хўжалиги раҳбари сифатида унга 124,2 гектар ер майдонини 25 йил муддатга ижарага бериш тўғрисида қарор чиқаришни, шу билан бирга қўшимча даъво аризаси келтириб, келтирилган моддий ва маънавий зарарни ҳам ундиришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг 2005 йил 12 май кунги ҳал қилув қарорига кўра, Б.Ҳусановнинг даъво талаблари рад этилган. Фуқаро Б.Ҳусанов ўз даъвосида ва шикоятларида фермер хўжалиги 1995-2003 йиллар давомида акаси М. Ҳусанов томонидан бошқарилган бўлса-да, қарорлар ундан яширинча расмийлаштирилганлигини, бу қарорларни қабул қилинганлигини кейинчалик билганлигини баён этган.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, "Э.Ҳусанов" фермер хўжалиги раҳбари сифатида М.Ҳусанов томонидан банк ва бошқа ҳужжатларни имзоланган, йиллик ҳисоботлари топширилган, маҳсулотларни етиштириш ва топшириш юзасидан шартномалар тузилган, Б.Ҳусанов эса хўжалик бригадири сифатида ҳужжатларни имзолаб иш олиб борган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 149-150-моддасида шахс ўзининг бузилган ҳуқуқини даъво қўзғатиш йўли билан ҳимоя қилиши мумкин бўлган муддат – бу даъво муддати бўлиб, умумий даъво муддати уч йил белгиланган. Суд томонидан мазкур қонун талаблари қўлланилиб, Б.Ҳусанов қонунда белгиланган даъво муддатини узрсиз сабаблар билан ўтказиб юборганлиги учун унинг даъво талаблари рад этилган.

Ушбу суд қарорига Б.Ҳусанов томонидан апелляция тартибида шикоят келтирилган бўлиб, фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди апелляция инстанцияси томонидан фуқаролик иши апелляция шикояти асосида 2005 йилнинг 22 июн куни мазмунан кўрилиши белгиланган.

Фуқаро Б.Ҳусановга фуқаролик ишини апелляция тартибида кўрилишида иштирок этиб, ўз важларини келтириш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилди.

**Б.ХЎЖАЕВ,**
**Тошкент вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси".**

**"Қишлоқ ҳаёти"га жавоб берадилар**

# Талаб қаноатлантирилди

***Таҳририятимизга Жиззах вилояти Мирзачўл туманида яшовчи фуқаро М.Қулматов шикоят хати йўллаган эди. Яқинда ушбу шикоятни ўрганган Жиззах вилоят прокуратурасидан жавоб хати келди. Унда, жумладан шундай дейилади:***

"Фуқаро М.Қулматовнинг "Мирзачўл" АХМ ҳудудида фаолият юритаётган "Мирзачўл Осмони" фермер хўжалиги томонидан ажратилган ер участкасидан мақсадсиз фойдаланилаётганлиги, Ижтимоий таъминот бўлими томонидан ўзи ва ўғли Т.Қулматовга нафақа кам тайинланганлиги тўғрисидаги ариза Мирзачўл туман прокуратураси томонидан кўриб чиқилди.

Аниқланишича, фермер хўжалиги томонидан 2005 йил ҳосили учун экинларни жойлаштириш режасига асосан, 168,5 гектар пахта, 25,0 гектар ғалла ва 9,5 гектар ер майдонига бошқа экин турлари экилган бўлиб, ердан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатларига йўл қўйилмаган.

Фуқаро М.Қулматов ва ўғли Т.Қулматовларга ёшга доир пенсия ва ногиронлик нафақалари қонунда белгиланган тартибда тайинланган. М.Қулматовга 01.05.2005 йилдан 35100 сўм, ўғли Т.Қулматовга 15505 сўм тўланиши белгиланган.

"Ипак йўли" қишлоқ фуқаролар йиғинининг 27.05.2005 йилдаги баённомасига асосан, ариза муаллифларининг оилавий аҳволи инобатга олиниб, ҳар бирига деҳқон хўжалиги юритиш ва фойдаланиш учун 0,25 сотихдан ер участкаси ажратилган.

Бундан ташқари, қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан М.Қулматовга 2004 йил – "Меҳр-мурувват йили"да 10 килограмм пахта ёғи, 5000 сўм пул маблағи, "Қизил ярим ой" жамиятидан келтирилган кийим-кечаклар берилган. "2005 йил – Сиҳат-саломатлик йили" муносабати билан ишлаб чиқилган тадбирга асосан оиласига тумандаги "Абай" фермер хўжалиги ҳомий сифатида бириктирилган.

Аризани кўриб чиқиш даврида, муаллифнинг талаби қаноатлантирилган ва бу ҳақда жавоб хати юборилган.

**П.НАЗАРОВ,**
**Жиззах вилояти прокурори, адлия катта маслаҳатчиси".**

# Халқаро ишчи гуруҳи Андижонда

***Олиб борилаётган текширув ишлари ҳамда Андижон шаҳрида вазиятни барқарорлаштириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати кўраётган чора-тадбирлар мониторингини амалга ошириш бўйича мамлакатимизда аккредитация қилинган хорижий дипломатик корпус вакилларидан иборат ишчи гуруҳи аъзолари 11 июл куни Андижонга келди.***

Дипломатлар етакчи хорижий телекомпания ва ахборот агентликларининг журналистларидан иборат катта гуруҳ ҳамроҳлигида жорий йил 13 май куни фожиали воқеалар рўй берган жойларга бордилар, қуролланган жангариларнинг кутилмаган ва сурбетларча уюштирилган ҳужумига учраган милиция пост-патрул хизмати ва Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисмда бўлиб, ўша воқеаларнинг гувоҳлари - офицерлар ва аскарлар билан суҳбатлашдилар.

Гуруҳ аъзолари 1-шаҳар ахлоқ тузатиш колониясини кўздан кечирдилар. Бу ерда уларга маҳбуслар билан учрашиш ва ўзларини қизиқтирган саволларни бериш имконияти яратилди. Улар ҳужум қилиш мўлжалланган бошқа объектларга террорчилар томонидан зўрлик билан олиб кетилган ва турли йўллар билан жангарилар сафини тарк этиб, ўз ихтиёрига биноан жазони ўташ жойига қайтган маҳбуслардир.

Гуруҳ аъзолари шаҳардаги «Исломобод», «Сой» ва «Форобий» маҳаллаларида фуқароларнинг маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари вакиллари билан учрашдилар, оддий андижонликлар, жумладан, ғайриихтиёрий равишда ўша воқеаларнинг гувоҳи ва иштирокчиси бўлган ҳамда Қирғизистон ҳудудига олиб кетилган, лекин охир-оқибат қочқинлар лагеридан уйига қайтиб келишга муваффақ бўлган одамлар билан мулоқот қилдилар. Дипломатлар ва журналистлар террорчилар қўлида ҳалок бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ходимлари, ҳарбийлар ва тинч аҳоли вакилларининг яқинлари билан ҳам суҳбатлашдилар.

Вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган учрашувда Андижон вилояти ҳокими С.Бегалиев ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш тузилмалари раҳбарлари ишчи гуруҳ аъзоларига терговнинг бориши, Ўзбекистон ҳукумати ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан шаҳарда вазиятни барқарорлаштириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида сўзлаб бердилар, дипломатлар ва журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар. Йиғилганларга 13 май куни жангариларнинг ўзлари суратга олган видеолавҳалар намойиш этилди. Бу лавҳалар террорчилик ҳаракати аввалдан пухта режалаштирилганини тасдиқлайди.

Андижон марказини, шаҳар бозорини, террорчилар ёқиб юборган ва ҳозир жадал тикланаётган Бобур номидаги вилоят мусиқали драма театри биносини кўздан кечирган дипломатлар ва журналистлар андижонликлар ҳаётини барқарорлаштириш борасидаги чора-тадбирлар ўз самарасини берганига ишонч ҳосил қилдилар: шаҳар тинч-осуда, одамлар кундалик юмушлари билан машғул, ҳаёт ўз маромида давом этмоқда.

Шу куни халқаро ишчи гуруҳ аъзолари Тошкентга қайтиб келдилар.

**(ЎзА)**

# Ижро ўзимиздан бошланади

**МУНОСАБАТ**

***Мамлакатимизда бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни янада эркинлаштириш мақсадида яна бир дадил қадам ташланди.***

Президентимизнинг "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, "Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонлари ҳамда "Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида"ги қарори билан тобора сафи кенгаяётган тадбиркорлар қатламининг манфаатлари, айтиш мумкинки, тўла қонун ҳимоясига олинди.

Хўш, бундан тадбиркорларимиз қай даражада бохабарлар? Умуман, ушбу Фармонлар ва қарорнинг маъно-мазмунини англаб етдиларми?

Шу саволларимизга жавоб излаб пойтахтимизнинг Чорсу бозорида бўлдик. У ерда фаолият юритаётган кўплаб хусусий фирмалар дўконларининг, шунингдек, хусусий дорихоналарнинг эгалари билан суҳбатлашдик.

Пештоқига "Атир-упа дўкони" деб ёзиб қўйилган растага кириб мақсадимизни билдирдик.

–Сиз айтган Фармон ва қарорлар ҳақида эшитдим, лекин ўқиганим йўқ, - дейди ўзини таништиришни истамаган дўкон эгаси. – Тўғриси, газета ўқишу телевизор кўришга ҳам вақт топилмайди. Дарвоқе, куни кеча Учтепа туманидаги солиқ инспекциясига боргандим. Ана шу Фармонларда биз – хусусий тадбиркорларга солиқ тўлаш, ҳисобот топшириш масалаларида имтиёзлар кўрсатилганми, йўқми... шуни сўрагандим, у ердагилар бунинг бизга алоқаси йўқлигини айтишди.

**(Давоми 2-бетда)**

**ОГОҲЛИК**

***Бир маракада йигирма-ўттиз киши давра қуриб ўтирибмиз. Тўрда савлат тўкиб ўтирган ёш домла маъруза қилмоқда. У каттаю кичикка панд-насиҳат қилиб бўлганидан кейин шундай деди:***

– Иншооллоҳ, демократия келганидан сўнг эмин-эркин тоат-ибодат қилиш учун кенг имкониятлар яратилади.

# Маънавиятсиз эркинлик бўладими?

– Тақсир, – дедим мен унга, – ҳозир эмин-эркин тоат-ибодат қилиш учун нима халақит беряпти.

– Ҳар ҳолда ҳозиргига қараганда эркинроқ бўладида, – деди у.

**(Давоми 6-бетда)**

# Шартлашган ютади

**ТАҲЛИЛ**

***"Қашқадарёпилла" акциядорлик бирлашмаси раиси Нажмиддин Қулмуродовга мурожаат этдик.***

***–Ҳозир бир бошидан тушунтириб бераман, - деди у.***

У тақдим этган ҳужжатларга кўз югуртирамиз. Воҳада бу йил ўтган йилдагига нисбатан бирмунча кам пилла тайёрланибди. Н.Қулмуродов фикримизни уққандек шу мазмунда гап бошлади. Қарши, Қамаши, Муборак, Нишон, Миришкор, Касби, Чироқчи, Яккабоғ туманларида пилла мўл бўлганлигини айтди. Ҳамма гап Шаҳрисабз ва Косон тумани пиллачилари билан боғлиқ экан. Вилоятнинг "оёғи"дан тортган шу икки туманлиги маълум бўлди.

Ахир Шаҳрисабз пиллачилар юрти-ку?! Шаҳрисабзликлар пилла етиштиришда бой тажрибага эгалиги ҳам айни ҳақиқат. "Кумуш" пиллакашлик фабрикаси ҳам шу ерда жойлашган.

Н.Қулмуродов фикримизни маъқуллади. Лекин тумандаги айрим фермерлар билан "Шаҳрисабзпилла" масъулияти чекланган жамияти ўртасида келишмовчилик мавжудлигини ҳам яширмади. Қўлимизга бир даста қоғоз тутқазиб, ўқиб чиқишимизни уқтирди. Мана уларда билдирилган фикрлар: Болта Фозилов номли собиқ ширкат хўжалиги ўрнида ташкил этилган фермер хўжаликларининг 2005 йилда "Пилла" МЧЖ билан тузган шартномаси тўғрисида маълумотнома. 11 июнгача.

Унда 48 нафар фермернинг номи зикр этилган. Уларнинг 21 нафари "Шаҳрисабзпилла" МЧЖ билан шартнома тузмаган. Ёки фермерлар 65,5 тонна кам пилла топширишган. Бундай ҳолатни Ўроқ Ибрагимов номли собиқ ширкат хўжалиги ўрнида ташкил этилган фермер хўжаликлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу ҳудуддаги 77 та фермер хўжалигининг 51 нафари жамият билан шартнома тузишни зиммасига олмаган. Натижада 2,1 тонна пилла ҳосили етиштирилмаган. Собиқ Амир Хушвақтов номли ширкат хўжалиги ўрнида ташкил этилган 68 та фермер хўжалигининг 47 таси шартномага имзо чекмаган.

**(Давоми 3-бетда)**

**ИСЛОҲОТ**

***Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида 2004 йили мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 10,1 фоизга ошганлиги айтилди.***

Шунингдек, бошоқли дон экинларидан 5 миллион тоннага яқин ҳосил олинганлиги,

# Лизингга 172,4 миллиард сўмлик техника

пахта хом ашёсини етиштириш кейинги йилларда биринчи марта 3,5 миллион тоннага етказилганлиги алоҳида қайд этилди.

Қишлоқ хўжалигида эришилаётган бундай иқтисодий ўсишга "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" акциядорлик компанияси ҳам муносиб улуш қўшмоқда.

**(Давоми 3-бетда)**

# Масъулият ва билим

**ХИЗМАТ**

***Айни пайтда республикамизда 117 мингдан зиёд фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Сурункасига зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва истиқболсиз деб топилган ширкат хўжаликлари негизида янгидан-янги фермер хўжаликларининг ташкил этилаётгани эса уларнинг тармоғи жадал кенгайиб боришини таъминлаётир.***

Табиийки, шундай бир шароитда фермер хўжаликларига сервис хизмати кўрсатиш, жумладан, ёқилғи-мойлаш материалларини бир маромда етказиб беришга бўлган талаб ҳам кескин ортади. Зеро, дала ишлари ўз вақтида, сифатли бажарилиши, экинларни экиш, парваришлаш, ҳосилни йиғиб-териб олиш ва топширишда бундай таъминотнинг аҳамияти ниҳоятда катта.

– Шуни ҳисобга олиб, Президентимизнинг Фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан қисқа муддат ичида мамлакатимизнинг барча вилоятларида фермерларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма, ёқилғи-мойлаш материаллари етказиб берувчи янги шохобчалар ташкил қилинди, – дейди биз билан суҳбатда "Ўзнефтмаҳсулотлари" акциядорлик компанияси ўқув марказининг директори Бахтиёр Байбаев. – Ана шундай шохобчаларнинг малакали ҳамда самарали фаолияти кўп жиҳатларга боғлиқ. Уларнинг фаолияти фермерлар билан шартномавий муносабатларни йўлга қўйишдан бошлаб, аввало, нефт маҳсулотларини етказиб беришда техника ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, ФЁТШларнинг техник ва эстетик ҳолати, меҳнатни муҳофаза қилиш қонун-қоидаларига риоя этилиши, нефт маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, тарқатиш масалаларини ўз ичига олади.

**(Давоми 4-бетда)**

**УзРТСБ** Биржевые котировки сум/кг

| | |
|---|---|
| БЕНЗИН (76) | 397,5 ▲ + 4,3 |
| БЕНЗИН (91) | 460,0 ▼ - 1,0 |
| ДИЗ.ТОПЛИВО | 280,7 ▼ - 0,6 |
| МАЗУТ | 64,6 ▼ - 1,9 |
| СЖ.ГАЗ | 325,8 ▲ + 22,4 |
| МАСЛО ХЛОПК. | 822,4 ▼ - 9,2 |
| САХАР | 595,1 ▲ + 3,7 |
| МУКА выс.сорт | 280,0 ▼ - 0,08 |

# БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР...

## 500 долларлик оппоқ костюм...

**Синфдошлар байрами. 20 йилдан сўнг учрашув. Ўқувчилик йиллар. Мактабдаги шўхликлар... Қайси қизни ким севгани. Ҳозир кимнинг қандай ишлаши... Гоҳ кулгу гуриллайди. Гоҳ барча сўз тинглайди. Давра томонда қўшиқ. Болалар югуриб ўйнайди.**



Қоп-қора ялтиллаган, ярқираган машина мактаб ҳовлисига келиб тўхтади.

–Шариф Қодирович келдилар! –ҳамма ўша томонга қаради. Машина эшиги очилди. Шариф Қодирович машинадан тушди. Салобат билан. Кўзларида кўзойнак. Елкаларида 500 долларлик костюм. Бўйинбоғлари чўғдай ёнади. Синфдошлар ўринларидан турди. У томонга юришди. Кўпчилик ширакайф.

–Орқа партада ўтирадиган Шарифми шу?

–Сумкасида китоб эмас, овқат бўларди, а-а?

–Ҳозир катта қўшма корхонада директор...

–Ичганингни билдирма, ўзингни тут!..

Собиқ синфдошлар Шариф Қодирович билан қўл беришиб, сипо кўришдилар. У:

–Яхшимисизлар? Хуш келибсизлар! – деди оғир ва маъноли қилиб...

Қозон бошида оёқда зўрға турган икки қўли билан суякни маҳкам ушлаб чандирини тишлаб тортаётган Ҳасан... Шариф Қодировични ногаҳон кўриб қолди. Суякни отди. Алпон-талпонланглаб бораяпти. Етиб боргач:

–Шариф... ош-но... Тири-ми-и-сан?!.. - деб ёғли қўллари билан оппоқ 500 долларлик костюм кийган Шариф Қодировичнинг икки кўкрагига шапатилади... Сўнг қучди. Эринмай ўпди.

Оппоқ костюмда 5-6 жойида мойли доғлар... Ҳасан ёғли қўли билан энди, қизил бўйинбоғни силарди...

–Галстугингдан ў-зим... ой-налаб кетай...

Учрашув тугагунча гурунг 500 долларлик оппоқ костюм ҳақида бўлди...

**Менгнор ОЛЛОМУРОДОВ**

## Мушукнинг қарғиши

**Қишлоғимизда Эргаш ака исмли қассоб бўларди. У кишининг қишлоқ гузари рўпарасида кичик гўшт дўкони бор эди.**



Эргаш қассоб кўринишидан сахий кишига ўхшаса-да, ночорликдан қарзга гўшт сўраб келганларни ноумид қайтарарди. Бундай пайтда гузардаги отахонлар қассобни инсофли бўлишга ундашарди:

- Ука, ҳадди сиққанидан сенинг олдингга келибди, ҳар ҳолда бегона эмас, ўзимизнинг ҳамқишлоқ, сўраганини бергин. Келганни қуруқ қайтарма, ундан қайтмаса худодан қайтади, - дейишганида қассоб ҳатто жаҳлдан тутақиб кетарди.

Нима бўлди-ю, гўшт дўконига бир мушукча қатнаб қолди. У пештахта устига илинган гўштдан оз-оз олиб кетарди. Авалига қассоб бу ҳолга эътибор бермади. Кейинчалик эса серқатнов бўлиб қолган "меҳмон"ни тутиб олиб урадиган бўлди. Шунда яна отахонлар:

- Ҳой, Эргаш, жониворларга озор бериб бўлмайди, эгаси йўқ демагин. Шунинг ризқини яратганнинг ўзи шу дўконга сочибди, қўй, ризқи тугагач ўзи қайтади, оқибати ёмон бўлмасин, - деб насиҳат қилиб кўришди. Аммо Эргаш қассоб ўз билганидан қолмади. Бир неча кун ўтгандан сўнг мушукча яна гўшт олаётган пайтида қассобнинг чангалига тушиб қолди. Эргаш уни ушлаб олди-да, ўша ернинг ўзида болтаси билан олдинги оёқларини чопиб ташлади. Жонивор инграганча ётиб қолди ва бироздан сўнг жон берди.

Орадан йиллар ўтди. Қассобнинг келини фарзанд кўрди. Тақдирнинг ишини қарангки, қассоб мушукчанинг икки оёғини қандай чопган бўлса, туғилган чақалоқнинг икки билаги худди ўшандай йўқ эди...

**Беҳзод ҚОДИРОВ**

## Раис қизарди

**Бўзқишлоқликлар Тожим тумшуқни яхши билишади. Тўғри сўз, очиқ кўнгил одаму ёлғонга, ғирромликка тоби йўқ. Шундай ҳолни учратдими тили нақ заҳарга айланади.**



Шу боис ҳам унинг гаплари тез-тез қишлоқ оралаб қолади. Ширкат раиси билан яқинда бўлиб ўтган қисқагина "суҳбати" ҳам йиғинларда дувдув гапга айланди.

Раҳим раис эрта кузак туғилган неварасига-да уй қуришга киришди.

Уй қуришни ширкатнинг қурилиш бригадаси бажара бошлади. Уларга ширкат фермасини таъмирлаяпти, деб иш ҳақи ёзиларди.

Шу орада Тожим тумшуққа ҳам дурадгорлар керак бўлиб қолди. Унинг ширкатда иш ҳақи бор. Ҳақи эвазига ишни бажаришни ўйлаган Тожим, раисдан икки нафар уста сўради. Раис унинг одатини яхши билгани учун юмшоқлик билан вазиятни тушунтирди. "Тумшуқ" ҳам бўш келмади.

–Ҳар куни эшигим олдидан етти-саккиз нафар уста қиблага ўтади. Суриштирсам, "молхона"ни таъмирлаётган эканлар. Шулардан иккитасига бир кунга рухсат берсангиз бўлмасмикан?!

"Молхона" сўзини алоҳида айтилишидан киноя борлигини англаган раис аввал қаҳрланди, сўнгра қизаринди. Нима деярини билмай ўртача оҳангда:

– Майли у ердаги ишлар тугасин, сўнгра кўрармиз, - дермиш у.

**Холмурод ҚУРБОНОВ**

# Ижро ўзимиздан бошланади

(Боши 1-бетда)

–Йўқ, хабарим йўқ, - дейди "Ёқут-Маржон" хусусий фирмасига қарашли дўкон эгаси ҳам. – Қулоққа чалингандай бўлди, лекин бунинг нима аҳамияти бор?

–Шу дамгача сиз каби тадбиркорларни ҳеч бир муаммо қийнамаган, дея олмаймиз-ку?.. Масалан, айрим назорат органлари турли текширувлар билан тадбиркорлар фаолиятига асоссиз аралашардилар ёки тадбиркорлар ҳар ой вақт кетказиб, молиявий ҳисобот топшириш қўйида идорама-идора сарсон бўлишарди. Эндиликда мазкур Фармонлар ва қарор билан бу сингари муаммоларга чек қўйилди. Наҳотки, бунинг сиз учун аҳамияти бўлмаса? - ҳайратланамиз.

–Ростданми? Фармонда шунақа дейилганми? – саволимизга савол билан жавоб қайтаради суҳбатдошимиз. – Мана, энди сиздан эшитиб биляпман. Агар ана шу Фармонлар чиққан газетангиз бўлса, беринг, танишаман.

Бу иқрордан таажжубимиз янада ортади: ахир республикамиз оммавий ахборот воситаларининг шу кунги мавзуси ва вазифаси ҳам айнан тадбиркорларимиз фаолиятидаги тўсиқларга барҳам берувчи, юқорида таъкид этилган Фармонлар ва қарор моҳиятларини оммага етказиш бўлиб қолди-ку! Бундан мамнун тадбиркорларимизнинг газета саҳифаларию телеэкранларда, радиоканалларда қилаётган чиқишларини ҳам кузатишимиз мумкин.

-Э-э... телевизорни дам олиш учун кўраман. Сериаллар, концерт дегандай... Газетани-ку, қўлга олишга фурсат йўқ, - тадбиркор бамайлихотир сўзлашда давом этади.

– Ҳаёт бошқа, деб важ келтириш айбни ўзгалардан излайдиган тоифаларга хос. Мен деярли 15 йилдан буён тадбиркорлик ортидан рўзғоримни тебратиб, шу соҳанинг пасту баландини яхши билганим учун айтаяпман бу ҳақиқатни, - дейди бозорнинг Кўкалдош мадрасасига туташ нуқтасида жойлашган Миллий ҳунармандчилик дўкони эгаси, тадбиркор Нўъмонжон Ибрагимов. – Тан оламан, ҳозирча ўзим ҳам бу Фармонларни ўқишга улгурмадим. Аммо, эшитишимча, уларда тадбиркорнинг фақат асаббузарлигию вақтини елга совуришига сабаб бўладиган беҳуда текширишлар сонини камайтириш шартлиги, назорат органлари мансабдор шахсларининг рухсат берилмаган текширишлар ўтказганлиги учун ҳатто жиноий жавобгарликка тортилиши каби бизнинг кўнглимиздаги гаплар назарда тутилган экан... Қани эди, биз – тадбиркорлар ўртасида бу Фармонлар асосида тушунтиришлар ва тарғибот-ташвиқот ишлари кучайтирилса. Бизлар ўзимизни ўйлантираётган саволларга жавоб топсак...

–Мен Президентимизнинг ушбу Фармонлари ва қарорини илк бор радиодан эшитдим. Бунга бағишланган бир қанча телекўрсатувларни, бевосита мулоқотларни кўрдик. Матбуотда уларнинг тўлиқ матни билан танишдим. Ҳар ҳолда бу борада тасаввурим ҳам, тушунчам ҳам етарли деб ҳисоблайман, - дейди "Нодир-Муҳаммад" хусусий фирмаси раҳбари Нозим Муҳаммедов. – Фирмамизга қарашли дорихоналар хизматини яхшилашга, истеъмол бозоридаги рақобатда етакчи бўлишга интиларканман, ҳар қадамимда ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларимни унутмаслигим лозимлигини ҳис қиламан. Бунинг учун эса тадбиркорлик фаолиятига дахлдор қонунларни ва меъёрий ҳужжатларни билиш тақозо этилади. Қолаверса, тадбиркор ҳуқуқини билмаса, оғзидаги ошини олдириши осон. Шу маънода тадбиркорман, деб кўксига урадиганлар тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштиришга, тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини мувофиқлаштиришга доир Президентимизнинг Фармони ва қарорини тўлиқ англамоқликлари керак. Беparволик ва совуққонликдан халос бўлиб, кўзларини очишлари шарт. Шундагина Фармонлардан кўзланган эзгу мақсад ҳаётда ўз исботини топади.

Назаримизда, тадбиркор Н.Муҳаммедовнинг бу мулоҳазалари сўзимизга хулоса бўладигандек. Шундай эсада, кўнгилдан кечган бир гапни айтмасликнинг иложи йўқ: тадбиркорларимиз ҳуқуқий билимга ҳамон муҳтожлар. Уларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантирмай туриб, бу соҳада қонун устиворлигига эришиш душвор.

**Фарида МАҲКАМОВА, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**



Вобкент туманидаги "Бухоротекс" ҳиссадорлик жамиятига қарашли "Вобкент тўқув фабрикаси" маҳсулотлари бугун ҳар томонлама харидорларга манзур бўлаётир. Чунки бу ерда ишлаб чиқарилаётган матоларнинг сифати юқори.

Айни пайтда мазкур фабрикада икки юздан зиёд йигит-қиз меҳнат қилмоқда.

**СУРАТЛАРДА: корхона иш жараёнидан лавҳалар. Б.АКРАМОВ олган суратлар.**



## *"Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган"*

# Якун ва режалар

**Мамлакатимиз Агросаноат мажмуининг барча тармоқларида ислоҳотларни чуқурлаштириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқаришни жадаллаштириш, фермерлик ҳаракатини кенгайтириш, шартнома интизомини мустаҳкамлаш, қишлоқ аҳолиси турмушини яхшилаш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш борасида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда.**

Ер ва сувдан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги корхоналарига механизация хизмати кўрсатиш, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, минерал ўғитлар ва кимёвий ҳимоялаш воситалари етказиб бериш, иш ҳақини ўз вақтида тўлаш жараёнлари устидан алоҳида назорат ўрнатилди. Шу боис қишлоқ хўжалиги ривож топмоқда. Мамлакатимизда дон тайёрлаш бўйича шартномавий режа уддаланган бўлса-да, ғалла ўрим-йиғими уюшқоқлик билан давом этмоқда. Ўртача ҳосилдорлик ўтган йилга нисбатан деярли 5 центнер ортиб, 45 центнерни ташкил этмоқда.

Ғўза парвариши ва ғалладан бўшаган майдонларни шудгорлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кўпгина вилоятларда ғўза қатор ораларини юмшатиш, озиқлантириш ва суғориш юмушлари агротехника қоидалари асосида олиб борилаётир. Катта-катта майдонларда ғўза серҳосил бўлиб ўсаяпти.

Шу билан бирга ғўзани парваришлаш суръати ва сифати бугунги кун талабидан орқада қолаётган, агротехника қоидаларига риоя қилинмаётган ҳоллар ҳам йўқ эмас. Дала ишларининг ташкил этилишида баъзи вилоятларда хато ва камчиликларга йўл қўйилаётир. Ғўза қатор ораларини юмшатиш Хоразм, Сирдарё ва Андижон вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикасида кечикиб, сифатсиз бажариляпти. Тўрткўл, Улуғнор, Косон, Миришкор, Боёвут, Оққўрғон, Учкўприк ва Шовот туманларида бу иш айниқса суст. Бундай ҳоллар, табиийки, ғўза ривожи орқада қолишига сабаб бўлмоқда.

Қонликўл, Мирзаобод, Бувайда туманларида барча ғўза икки марта озиқлантирилган бўлса-да, суғориш кечикиб, фақат бир маротаба ўтказилганлиги минерал ўғитлар самарасини йўққа чиқарган. Аксинча, Термиз, Иштихон, Пискент, Бекобод, Бўка туманларида эндигина бир маротаба озиқлантириш амалга оширилган, лекин барча майдонларда ғўза икки-уч маротаба суғорилган.

**САРҲИСОБ**

Биолабораторияларнинг фаолияти, ғўза зараркунандаларига қарши курашиш ҳам бир қатор ҳудудларда қониқарсиз олиб борилаётир. Фақат Наманган вилоятида 8,5 минг гектар майдонда кўсак қурти тухум қўйиб, 7 минг гектар пахтазорда ўргимчаккана тарқалиб улгурган. Эътиборсизлик сабабли бу зараркунандаларга қарши курашиш етарли даражада олиб борилмаяпти. Тўрақўрғон, Улуғнор, Учкўприк, Бекобод, Мирзаобод, Термиз туманларида сифати ноаниқ, сертификатсиз биомаҳсулотларни далаларга чиқариш ҳоллари рўй берган.

Қонликўл, Тўрақўрғон, Иштихон, Мирзаобод, Оҳангарон, Бувайда, Гурлан, Термиз туманларида ғўзани озиқлантириш, пахтазорларни бегона ўтлардан тозалаш, культивация, зараркунандаларга қарши курашиш, ғалладан бўшаган майдонларни шудгорлашни тезкор ва сифатли ўтказишни таъминлашда ҳам оқсаш кўзга ташланмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат ва сув хўжалиги мажмуининг ўтган олти ойлик иш якунлари ва навбатдаги вазифалари муҳокама қилинган мажлисида юқорида таъкидланган масалалар ҳақида сўз борди. Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев бошқарди. Йиғилишда муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(Ўз мухбиримиз)**

# Ўқув йили тугалланди

**Халқ таълими вазирлигида журналистлар учун 2004-2005 ўқув йили якунларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.**

Унда Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Аҳлиддинов "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури"да белгиланган вазифалар, "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижроси юзасидан олиб борилаётган ишлар, соҳага доир янгиликлар ҳақида сўзлаб берди. Хусусан, 2005 йилда жами 1097 та мактаб, шу жумладан, 53 та янги мактаб қуриш, 28 тасини капитал реконструкциялаш, 438 та капитал таъмирлаш, 322 мактабни жорий таъмирдан чиқариш режалаштирилган бўлиб, 1 июлга қадар иш режаси йиллик лимитга нисбатан 82,9 фоизга бажарилгани қайд қилинди. Бу эса мазкур йўналишларда 86,5 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилди деганидир. Мактабларни ўқув-лаборатория ускуналари ва компьютер техникаси, дарсликлар, ўқув-услубий қўлланмалар билан қай даражада таъминланаётгани рақамлар мисолида келтириб ўтилди. Шу билан бирга, мавжуд камчиликлар ва уларни бартараф этиш учун кўрилаётган чора-тадбирлар тилга олинди, бу борада журналистлар билан ҳамкорликда ишлаш ислоҳотларнинг муваффақиятли кечишида кўмак бериши таъкидланди.

Албатта, мактаб таълимига давлат миқёсида катта эътибор қаратилаётгани ўз ижобий самараларини бермоқда. Зиёлилар, айниқса, мактабни битирувчи ёшларда ўқитувчилик касбига бўлган рағбат ортаётганини ўқитувчиларнинг меҳнати муносиб баҳоланаётгани билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Матбуот анжуманида ушбу вазирликнинг раҳбар ходимлари журналистларни қизиқтирган бир қатор саволларга жавоб бердилар.

**Д.МАТКАРИМОВА**

# Ерни алдаган – ўзини алдайди

**Жанубий Мирзачўл магистрал канали бошқармаси Пахтакор туманида жойлашган. Ташкилотнинг вазифаси туманни оқар сув билан таъминлаш, ирригация-мелиорация муаммоларини ечишда амалий кўмаклашишдан иборат.**

Ички хўжалик каналларини лойқадан тозалаш, сувни тўсиш қопқаларини, канал қирғоқларини таъмирлаш, мустаҳкамлаш, синган ва сув сизаётган жойларни аниқлаб бетонлаш, лотокларни, дюкерларни тозалаб, жорий таъмирлаш каби ишлар кўлами ҳам салмоқли меҳнат ҳамда маблағ талаб этади. Шунинг учун бўлса керак узоқ йиллардан буён ювилмай келинаётган ёпиқ-ётиқ дренаж тармоқлари лойқага тўлиб кетганлиги сабабли деярли ишламайди. Ёпиқ дренаж тармоқларини ювиш, бундай ишларни амалга ошириш чораси топилмаган тақдирда ерларни фойдаланишдан чиқариш, очиқ зовурлар ҳосил қилиш, шу билан ер ости сизот сувини пасайтириш йўли билан ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш талаб этилади.

–Тўғри, мелиорация муаммолари анчагина, ўтган хўжалик йилида ёпиқ-ётиқ дренажларни очиш борасида катта ишлар амалга оширилган. Бунга мен ҳам гувоҳман, - дейди бошқарманинг иқтисодий таҳлил, режа ва молиялаштириш бўлими бошлиғи Я.Султонов. –Бироқ, яқиндагина шу бўлимга бошлиқ бўлдим. Мендан олдин ишлаган Шуҳрат Эшонқулов бошқа туманга ишга кетган. Ҳужжатларни эса бир неча ой ўтган бўлса-да топширгани йўқ. Шу сабабли ҳам ёпиқ-ётиқ дренажларнинг қанчаси очилиши лозим, қанчаси тугалланган – бу ҳақда ҳеч нарса дея олмайман. Режага киритилган ишлар эса юз фоиз бажарилган...

Ҳужжатларни кўрмаган бўлсакда, бўлим бошлиғидан вилоятга тақдим этилган маълумотларни кўрсатишни илтимос қилдик. Маълумотда... дарҳақиқат, режа турларининг барчаси бажарилган. "Юз фоиз бажарилган" ишларни кўриш мақсадида туманнинг "Бахмал" хўжалигига йўл олдик. Шу хўжаликдаги икки километрли ёпиқ-ётиқ дренаж очилиб, очиқ зовур ҳосил қилиниши ражалаштирилган ва тугалланган. Аллақачон қоғозда таъмирланиб, лойқадан тозалаб қўйилган "Юр-18-1" рақамли ички канални кўздан кечирдик. Шу ерда каналга туташтирилган "Юр-28-У-38" рақамли лоток тармоғининг бошланиш қисмига кўзимиз тушди. Сувни кўпайтириб, камайтириб турадиган тўсиқни кимдир ўмариб кетибди. Тармоқнинг ўзи ҳам таъмирланганга ўхшамайди. Чунки лотокларнинг туташтирилган қисмидан сув оқаяпти...

Узоқдан яна бир иншоот кўзга ташланди. Бу очилиши режалаштирилган ёпиқ-ётиқ дренажнинг бошланиш қисми эди. У ерда иккита экскаватор турибди. Канал оқими томонга кетар эканмиз, қоғозда "таъмирланди", "тозаланди", деб кўрсатилган бу оби ҳаёт келтирувчи ариқнинг лойқа боса бошлаганлигига, шундоққина қирғоқнинг ўзидан дарахтлар униб чиққанлигига, бетон қопламаларнинг синганлигига гувоҳ бўлдик. Каналга туташиб кетган ер майдонининг ўн-ўн беш қадамигача канал суви сизиб, заҳлатиб юборибди.

Очилиши лозим бўлган дренаж тармоғи "Юр-28-У-39" рақами билан қайд этилган, мироблар тили билан айтганда "юзлик" лоток билан параллел жойлашган экан. Бу лоток тармоғининг ҳам канал билан туташган қисмида сувни кўпайтириб турувчи қопқа йўқ. Лоток ортида эса тахминан қирқ гектарча ер ястаниб ётибди. Шудгорланмаган ерни бегона ўт босиб кетибди.

–Бу ер ҳам фермер хўжалигига қарашли, -дейди ҳамроҳимиз, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғининг ўринбосари Сулаймон Улуғмуродов. –Ер соҳиби туман бош архитектори вазифасида ишлайди. Вақти бўлмагандир-да...

Узоқда қаққайиб турган экскаваторлар томон кетар эканмиз, қоғозда таъмирланиб қўйилган лотокларнинг туташтирилган қисмидан шариллаб сув оқаётганига гувоҳ бўламиз. Деярли бир ярим километрли масофадаги лотокларнинг барчаси шундай аҳволда, ишни қабул қилиб олган комиссия аъзолари сув йўқ пайтида келган бўлса керак-да, дея ўзимизча тахмин қиламиз. Дренажнинг кузатув қудуғига разм соламиз. Тўртта кузатув қудуғининг барчаси сувга тўлиб қолган. Сув ер сатҳидан бир-бир ярим метрлар чамаси пастда. Бу – ер ости сизот сувининг юқорига кўтарилиб кетганлигидан далолатдир. Сизот сув камида икки ярим метр чуқурликда бўлсагина, шўрланиш жараёни тўхташи мумкин. Ер устидаги шўр эса яхоб бериш йўли билан камайтирилади. Агар зовур очилмаса, икки юз гектардан зиёд ер майдонининг шўрланиши кучайиб, бу ҳосилдорликка жиддий хавф туғдириши мумкин.

Тахминан уч юз қадамча берида бир томонлама очилган зовур бошланди. Лотокдан муттасил оқаётган сув зовурга қуйилиб, анчагина

**ЛАФЗ**

жойини жарликка айлантиришга улгурибди. Энди бу ерда яна тупроқ ишлари олиб борилиши керак ва бу кўплаб маблағ талаб этади.

– Қишда канал тошиб, зовургача етиб келди. Ҳозирги кўриниши эса лотокдан тушаётган сувларнинг "хизмати", – дейди С.Улуғмуродов.

Яна изоҳ беради:

– Ўпирилиш бир томонлама очилганлиги учун юз берган. Қиялик тўғри олиниб, икки томонлама очилганида бундай бўлмасди...

Ниҳоят, экскoваторлар турган жойга етиб келдик. Биттасининг стрелкаси туширилган, гўё зовур тупроғига бошини қўйиб, сажда қилаётгандек. Иккинчиси, эса мағрур сукут сақламоқда.

Экскваторлар турган жойнинг қарама-қаршисида "Эрк-Шер-Шароб" фермер хўжалигига қарашли пайкал бўлиб, чеккасида иккита уй бор экан. Фермер Жониқул Эргашев хафсала қилиб, яхшигина уй-жойлар қурибди. Шу ерда яшовчилар билан суҳбатлашамиз:

–Ўтган йили иш бошлашганди, - дейди Жониқул аканинг ўғли Шерзод Эргашев. –Дастлаб битта, кейинроқ иккинчи экскваторни олиб келишди. Кузга яқин учинчиси етиб келди. Иккитаси нариги ва биттаси бу томондан ковлай бошлади. Юз метрга икки томонлама зовур очилганидан кейин бу томондагисини олиб кетишди. Қолганлари эса ишдан тўхтади. Мана, беш ойдирки, экскваторларнинг туриши шу аҳвол.

Бошқарма бўлим бошлиғи Я.Султоновдан яна шу ёпиқ-ётиқ дренажлар очилиши учун тузилган ҳужжатларни сўраганимизда, турли баҳоналар қилганлиги бизга ҳам аён бўлди. Ернинг ҳайдаб суғориладиган тоифадан чиқарилиши (отвод), дефект (камчиликлар) далолатномаси, сарф-харажатлар, пудратчи ташкилот билан тузилган шартнома ва маблағлар миқдори, ишнинг тўлиқ бажарилганлиги тўғрисидаги далолатнома, топшириш ва қабул қилиш ҳужжатларини бўлимнинг собиқ бошлиғи топширмай кетвориши ажабланарли ҳол, албатта. Бир неча миллион кубометр тупроқ ишларини бажариш учун ўнлаб миллион сўм маблағ сарфланади. Демак, ҳужжатлар оддий қоғозлар эмас, балки жуда "қимматбаҳо" бўлса керакки, бизга кўрсатишмади. Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимидан олинган маълумотга кўра, "Бахмал" хўжалигида 26 километрлик лоток тозаланиши режалаштирилган. Топшириқ эса тўлалигича бажарилган. Таъмирлаш топшириғи 14 километр режалаштирилиб, 13,7 километрга адо этилган. Бироқ, барча тармоқлардан сув сизиб, ўнлаб кубометр обиҳаёт беҳуда исроф бўлмоқда. Ёпиқ-ётиқ дренажларнинг 226 тасини тозалаш режалаштирилиб, ҳаммаси тозаланибди. Хўжаликнинг "Сайхун-Шодиёр", "Чўлбоши" фермер хўжаликларига қарашли ер майдонларидаги кузатув қудуқларини кўрганимизда, сувга тўла эканлигининг гувоҳи бўлдик. Шу билан бирга 81 та дренаж тармоғининг зовурга туташган қувурлари ҳам маълумотномада "тозаланди" деб кўрсатилган. Ҳамонки, ёпиқ-ётиқ дренажлар ишламаётган экан, тозалашга не ҳожат?!

**Умуман олганда туман бўйича 15764,7 гектар ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун 189,2 километрлик зовурларни тозалаш талаб этилади. Ирригация муаммоларини бартараф этиш учун эса 31,8 километрли лотоклар таъмирланиши лозим. Янги лотоклар ишлаб чиқарилмаётган бундай пайтда ишларнинг пухта бажарилиши, ирригация «томир»ларининг бир маромда уриб туришини таъминлайди. Бироқ, режа билан бажарилган ишларнинг ўртасида осмон билан ерча фарқ бўлиб турса, қон томиридек далаларга обиҳаёт олиб келаётган тармоқларда узилишлар бўлиб қолиши шубҳасиз. Бундай аҳвол ерни, шунинг баробарида ўзимизни алдаётганимизни кўрсатмайдими?**

**Толибжон ЭРГАШЕВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# Лизингга 172,4 миллиард сўмлик техника

(Боши 1-бетда)

Халқаро Молия Корпорациясининг ўтказган таҳлилига кўра, Ўзбекистондаги лизинг фаолияти билан шуғулланувчи 28 та лизинг компаниялари ва банклар томонидан ўтказилган лизинг операцияларида "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компаниясининг улуши 64,3 фоиздан кўпроқни ташкил этиб, у биринчи ўринда бормоқда.

Компания республикамизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар механизмида ўз ўрнини мустаҳкам эгаллади – қишлоқ хўжалик корхоналари ва машинасозлик саноати ўртасида боғловчи кўприк сифатида хизмат кўрсатиб, бирига зарур бўлган ҳажмда қишлоқ хўжалик техникасини етказиб бериш, иккинчисидан ушбу техникани харид қилиш орқали уларнинг ишончли ҳамкорига айланди.

Компания жорий йилнинг биринчи ярмида ўз фаолияти соҳасида янада салмоқли кўрсаткичларга эришди. Буни қуйидаги рақамлар ҳам кўрсатиб турибди. Компания ва техника ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасида 30,5 миллиард сўмлик қийматдаги олди-сотди шартномалари тузилди, бу 2004 йилнинг шу давридагига нисбатан 21,0 фоиз кўп.

"Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг" компанияси тизимидаги заводлардан 27,3 миллиард сўмлик қийматдаги тракторлар ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги техникалари сотиб олинди, бу 2004 йилдагига нисбатан 38,6 фоиз зиёд. Умумий қиймати 24,9 миллиард сўмга тенг бўлган тракторлар ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги техникалари лизинг асосида етказиб берилди, бу 2004 йилдагига нисбатан 32,4 фоиз ортиқ.

Хўжалик юритувчи субъектлар билан 44,7 миллиард сўмлик қийматдаги лизинг шартномалари тузилди, бу кўрсаткич 2004 йилнинг шу даврида 31,6 миллиард сўмни ташкил этганди. 30,8 миллиард сўмлик лизинг хизматлари кўрсатилди, бу 2004 йилнинг щу давридагига нисбатан 7,2 миллиард сўмга кўп.

Компания томонидан жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида жами 2772 дона техникалар, шу жумладан, 1012 дона ТТЗ-80,11 русумли, 154 дона ТТЗ-80,10 русумли, 48 дона МХМ-140 русумли, 8 дона ТЛ-100 русумли тракторлар, 187 дона 2ПТС-4-793А русумли трактор тиркамалари, 1088 дона "ОРПД-12" ва "Аида" русумли дори пуркаш мосламалари, шунингдек, 275 дона культиватор, ўт ўргичлар, сеялка каби бошқа турдаги қишлоқ хўжалик машиналари лизингга етказиб берилди ва бу ўтган йилнинг шу давридагидан 17,5 фоиз кўпдир.





2005 йилнинг 1 июль ҳолатига лизинг хизматларидан тушадиган тушум 3650,0 миллион сўмни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу даври кўрсаткичидан 3192,8 миллион сўм кўп. Соф фойда 1185,6 миллион сўмни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 52,8 фоизни ташкил этди.

Компания қишлоқ хўжалиги корхоналарига янада имтиёзлироқ лизинг хизматини таклиф этиш мақсадида лизингга бериладиган тракторлар учун маржа фоизини 12 фоиздан 8 фоизгача пасайтирди.

Компания томонидан 2000-2005 йиллар мобайнида лизингга етказиб берилган техникалар бўйича лизинг операциялари ҳажми 172 миллиард 462 миллион сўмдан, техникалар сони эса 13815 донадан ошиб кетди.

Компанияда лизингга берилган тракторларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва давлат номери белгисини олишни марказлашган ҳолда Тошкентда амалга оширишни йўлга қўйди.

Компания томонидан "Бошдавтехназорат" инспекцияси билан тузилган шартнома асосида ўтган давр мобайнида лизингга берилган 8 минг донадан ортиқ тракторлар ва 295 дона пахта териш машиналарининг техник ҳолати, техник меъёрлар даражасида сақланиши ва фойдаланилишини доимий техник мониторингдан ўтказиш ишлари ташкил этилган. Бу, лизинг муддати давомида техникадан тўғри фойдаланилиши ва унинг ишга яроқлилик муддатини ошишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Компания иш фаолияти мобайнида бир қатор маҳаллий ҳамкорлар билан ишлаб келмоқда. "Тошкент трактор заводи", "Ўзбекқишлоқмаш", "Чирчиққишлоқмаш", "Қишлоқмашимпекс", "Агрегат заводи", "Урганчкорммаш" каби машинасозлик заводлари ва "ЎзКейстрактор", "Агрихим" каби қўшма корхоналар шулар жумласидандир.

–"Техника – деҳқон қаноти" деб бекорга айтишмаган, – дейди Тошкент вилояти Чиноз туманидаги "Муқим" фермер хўжалиги раҳбари М.Эрхўжаев, – "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компанияси ҳақли равишда "бизнинг мададкоримиз" деб айтсам муболаға бўлмайди. Чунки, мана шу компанияси очилибдики, бизнинг ҳам бошқа хўжаликларни ҳам техника масаласида жони кириб қолди. Компаниядан 2004-2005 йилларда 2 дона ТТЗ русумли трактор, 1 дона трактор тиркамаси ва 1 дона культиватор олганмиз. Лизингга олган техникаларимизни тўғридан-тўғри заводдан сотиб олган бўлганимизда 32 миллион сўм маблағ топишимиз керак бўлар эди. Бунча маблағ хўжаликда йўқ. Агар лизинг компаниясининг ёрдами бўлмаганида бу техникаларни сотиб ололмаган бўлар эдик. Компанияга раҳмат, - дейди Муқимбой ака кўнглининг тубидан чиқаётган самимий сўзларини давом эттириб. – Шунча техниканинг 85 фоизлик қийматини заводга тўлаб берди. Биз, лизингга олинган техникалар туфайли, хўжалик машина-трактор паркини 40 фоизга янгилаб олдик, бунинг натижасида хўжаликнинг оладиган йиллик даромади 155 миллион сўмни, соф фойдаси эса 41 миллион сўмни ташкил этди.

2005 йил 1 январь ҳолатига Компания акциядорлари сони 578 тани, шу жумладан 384 та юридик ва 194 та жисмоний шахсларни ташкил этди. Компания устав жамғармаси ўтган йиллар мобайнида 5 марта эмиссия рисоласини чиқариш орқали 213 миллион сўмдан 2,0 миллиард сўмга етказилиб, 9,3 маротаба оширилган эди. Компания акциядорларининг яқинда бўлиб ўтган умумий йиғилиш баёнига асосан VI-эмиссия рисоласини чиқариш орқали Устав жамғармасини 2,0 миллиард сўмдан 2,5 миллиард сўмга етказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу – айланма маблағларнинг ошиши ва қишлоқ хўжалигига лизинг асосида техникалар етказиб беришни кўпайтириш имкониятини беради.

Компания акциядорларининг яқинда бўлиб ўтган йиллик умумий йиғилишида компаниянинг 2004 йилдаги фаолияти таҳлил этилиб, диққат-эътибор иш фаолиятидаги айрим муаммолар ва уларнинг ечимига қаратилди. Умумий йиғилишда компаниянинг 2005 йилги устувор вазифалари муҳокама этилиб, тегишли қарор қабул қилинди. Унда белгиланган вазифаларнинг тўла-тўкис адо этилиши қишлоқ хўжалиги тараққиётига хизмат қилади.

**Барно УМИРОВА**




## Қидирув давом этмоқда

***Лондонда амалга оширилган терактлар борасида қидирув ишлари давом этмоқда.***



Маълумотларга кўра, Европа иттифоқининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимлари ўтказган махсус амалиёт чоғида терактларга алоқадорликда яна бир шахс аниқланган. 47 ёшли суриялик Мустафо Сетмариам Назар амалга оширилган кўпорувчиликларда асосий шахс бўлиши мумкин. Мустафо Назар Буюк Британиядаги яширин террорчилик ташкилоти раҳбарларидан бўлиб, 2004 йил баҳор ойларида Мадридда содир этилган терактларда ҳам айбланиб келинади.

Буюк Британия ички ишлар вазири Чарлз Кларк бу каби хунрезликлар яна бир бор содир этилиши мумкинлигини маълум қилган.

## Ижобий натижалар

***Люксембургда Европа Иттифоқи конституциясига ўтказилган референдум якунланди.***



Референдум бюллетенлари ҳисоблаб чиқилган ва натижаларга кўра, 56,52 фоиз овоз берувчилар янги қонун лойиҳасини ёқлашган. Люксембург евро конституцияни қўллаб-қувватлаган 13-давлат ҳисобланади.

Европа Иттифоқи расмийлари бундай ижобий натижалар янги қонун ҳужжатини ратификация қилишни давом эттиришга умид бағишлашини айтиб ўтишган.

## Элчининг тақдири номаълум

***Бағдодда Миср элчиси Ихоб аш-Шарифни ўғирлаб кетган террорчилар уни қатл этишганини маълум қилишмоқда.***



Associated Press ахборот агентлиги хабарларига кўра, "Ал-Қоида" террорчи ташкилотининг махсус сайтларида шу ҳақда айтиб ўтилган. Бироқ бу маълумотлар тасдиқланмаган. Террорчилар сайтида Ихоб аш-Шарифни АҚШ билан ҳамкорликда айблаб, уни "Америка жосуси" дея атаган ва шу туфайли қатл этилгани хабар қилинган.

Миср элчиси ўтган ҳафта Бағдодда ўғирлаб кетилган ва шу вақтга қадар унинг тақдири номаълумлигича қолмоқда.

## Табиий офат ҳудудлари

***АҚШнинг бир неча соҳил бўйи штатларида ҳамон ноқулай об-ҳаво шароитлари ҳукм сурмоқда.***



"Деннис" деб аталаётган кучли тўфон Флорида, Алабама, Миссисипи штатлари электр энергия тармоқларига жиддий зарар етказган. 500 мингга яқин оила электр таъминотидан маҳрум бўлган. Шамолнинг тезлиги айни дамда сустлашган бўлса-да, ушбу штатлар табиий офат ҳудуди дея эълон қилинган.

## Оммавий қабр топилди

***Босния Герцоговинанинг Сребреница аҳоли пунктида топилган қабрнинг узунлиги 18 метр бўлиб, унда юзлаб оммавий қирғин қурбонлари кўмилган.***



Босния ҳукумати вакили Мурат Гуртич таъкидлашича, ушбу воқеа юзасидан Сребреницада мотам маросими бўлиб ўтади. Ҳозирга қадар 1995 йил Босния серб кучлари томонидан ўлдириб юборилган 8000 дан зиёд боснялик мусулмонлардан 1300 тасининг ана шундай қабрлари топилган.

**INTERNET хабарлари асосида Ш.САНАЕВ тайёрлади.**

# Хирмон тўлиб тўкилди дон...

***Мураккаб табиий иқлим шароитидаги Оролбўйида ҳам ғаллачилик йил сайин ривожланмоқда.***

Буни мутахассислар ер ҳақиқий эгасини топаётгани, асосий омил фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб берилганлиги билан изоҳлашмоқда. Ўтган йили кузда экилган 53 минг гектардаги буғдойзорлар ҳам асосан фермер хўжаликларига тегишлидир. Шунинг учун Қорақалпоғистонда давлатга топширилган 64 минг тоннадан ортиқ буғдойнинг 95 фоизи айнан уларнинг ҳиссасига тўғри келди. Айниқса, Оролбўйида биринчи бўлиб шартномавий режани бажарган Элликқалъа ва Амударё туманларидаги "Қиличинок", Ал-Хоразмий, "Дўстлик", "Қумқалъа", Анвар Йўлдошев, Бешбоев номли, "Шўрқалъа" каби бир неча ўнлаб фермер хўжаликларида ҳосилдорлик гектарига 47-55 центнерни ташкил этди.

Бу йилги ўрим-йиғим ғоят уюшқоқлик билан қисқа муддатларда ўтказилди. "Агротехника"нинг 180 та комбайнлари юксак унум билан ишлатилди. Шунингдек, муқобил МТПлар, "Қорақалпоқавтотранс" бирлашмаси механизаторлари, автоулов ҳайдовчилари мавсумда астойдил меҳнат қилишди. Уларга етарли даражада ишлаш ва яшаш шароитлари яратилганлиги муваффақиятлар бош омили бўлди.



Қорақалпоғистон хўжаликларида 10 минг тонна уруғлик дон жамғариш режаси ҳам уддаланди.

Айни пайтда ўрим-йиғим ишларини давом эттириш билан бирга экиндан бўшаган ерлар пешма-пеш ҳайдалмоқда.

Бугун Қорақалпоғистон омборлари донга тўлди. Шу кунлари у ерда бўлган кишининг димоғига янги буғдой унидан ёпилган иссиқ нон иси урилади...

**Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# Шартлашган ютади

(Боши 1-бетда)

Собиқ Навоий номли ширкат хўжалиги ҳудудидаги 87 фермернинг 48 таси ҳам шартнома тузмаган.

Нега шундай бўлди? Жамият бош ҳисобчиси Ражабали Мейлиевнинг гапларига қараганда, ўтган йили пиллакорларга меҳнат ҳақи тўлиқ берилмаган. Чунки "Шаҳрисабзпилла" масъулияти чекланган жамияти билан тумандаги "Кумуш" очиқ акциядорлик жамияти ўртасидаги шартнома шартлари бузилган. Айни пайтда ҳам "Кумуш" қарзини тўлаб бермаяпти. Шу боис бу йил улар Самарқанддаги Сингапур-Ўзбекистон қўшма корхонаси билан шартнома тузишди. Мазкур корхона томонидан 2005 йил ҳосили учун пиллакорларга бўнак пули тўлаб берилди. Лекин фермерлар ўтган йилги қарздорлик туфайли бу йил пилла боқишни зиммаларига олишмади. Маълумотларга қараганда, Шаҳрисабз туманида фермер ва ширкат хўжаликлари билан 354 тонна пилла етиштириш бўйича шартнома тузилиши белгиланганди. Ҳақиқатда эса 222 тонна учун шартнома имзоланган. Бу ҳам тўлиқ адо этилмади.

"Шаҳрисабзпилла" масъулияти чекланган жамияти раиси Фахриддин Соҳибов шу йил апрел ойида жамият раислигига тайинланганлигини рўкач қилиб, айбни ўзидан соқит қилишга уринади. Илгариги раҳбар-чи?

Косон туманида ҳам пиллачиликда жиддий муаммолар юзага келган. Туманда 191 тонна пилла тайёрлаш бўйича фермер хўжаликлари билан шартнома имзоланган. Аммо бир қатор фермерлар шартнома шартларига амал қилмаяпти. Масалан, "Кўнғиртов", Беруний номли, "Гувалак", "Гулбоғ", "Ўзбекистон", "Чироқчи" мавзеларида юздан ортиқ фермер шартномада белгиланганидан кам пилла топширишди. "Косонпилла" масъулияти чекланган жамияти ижрочи директори Ўктам Эргашев, бош ҳосилот Нортожи Эшқувватовларнинг эса парвойи фалак. Улар фермерлар билан 2005 йил 18 апрелда шартнома тузишган. Ваҳоланки шартнома тузишнинг мақбул муддати декабр-феврал ойларидир. Шартномаларни кўздан кечирганимизда улар туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимидан рўйхатдан ўтмаганлиги маълум бўлди. Айримларида фермернинг муҳри йўқ. Рақамлар ручка билан ўзгартирилган. Ахир шартнома ҳуқуқий ҳужжат-ку. Агар у мукаммал тарзда тузилмаса ундан буюртмачи ҳам, маҳсулот тайёрловчи ҳам манфаатдор бўлолмайди.

Пилла боқиш қисқа муддатни тақозо этсада, унинг меҳнати ниҳоятда оғир, сермашаққат. Кўз олдингизга келтиринг. Ўта майда, кўзга чалинмайдиган уруғни боқиб, парвраишлаб кумушдек пилла шаклига келтиришнинг ўзи бўладими. Пиллачи ана шу масъулиятни зиммасига олиб, мамлакат учун ўта муҳим бўлган хомашёни етказиб бераётган экан, унинг меҳнати қадр топиши керак.

Қашқадарёда бу йил пиллачилик соҳасида юзага келган муаммолар замирида манфаатдорлик етишмаётганмикин? Ахир бозор иқтисодиёти ҳар бир соҳада яхши даромад олишни тақозо этади. Пиллачиликни ривожлантириш учун қишлоқ хўжалигининг асосий бўғини бўлиб қолган фермерлар билан шартнома муносабатларини яхши йўлга қўйиш талаб этилади.

**Фахриддин БОЗОРОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# Барчаси аввалгидан аъло

МАВСУМ

***Аввал хабар қилганимиздек, мамлакатимизнинг марказий минтақасида жойлашган, Жиззах вилояти деҳқонлари ҳам давлатга ғалла сотиш бўйича йиллик шартномавий режани бажардилар.***

106 минг гектар сувли, 70 минг гектар лалми майдонларда мўл ҳосил етиштирган миришкорлар мамлакат омборларига 219 минг тоннадан ошиқроқ сара дон етказиб бердилар.

Вилоят хирмонига Янгиобод, Пахтакор, Арнасой, Дўстлик, Зарбдор туманлари деҳқонлари, айниқса, катта ҳисса қўшдилар. Келаси йил ҳосилини ўйлаган мутахассислар 79,1 минг тонна уруғлик дон ҳам жамғардилар.

–Деҳқончилик қонун-қоидаларига амал қилган ғаллакорларимиз, шартномани уддалашиб, зиммаларидаги вазифани ортиғи билан адо этишди, - дейди вилоят ғалла штаби бошлиғи Мурод Сагатов. - Мавсумда 441 та ўрим техникалари қатнашган бўлса, шундан 212 таси юқори унумли комбайнлардир. Ўрим-йиғим ишлари 25 иш кунида ниҳояланди, ҳисоб-китобларга кўра ўртача ҳосилдорлик 42 центнерга етказилди. Яна шуни айтиш кераккки, ғалла ўтган йилга нисбатан бир ҳафта олдин йиғиштириб олинди.

Вилоят деҳқонлари етиштирган ғалланинг 97,6 фоизи айнан фермер хўжаликлари зиммасига тўғри келади. Дон маҳсулотлари қабул қилувчи корхоналар билан шартнома имзолаган 9172 нафар фермер давлатга 46,5 миллиард сўмлик дон сотди.

Арнасой туманидаги "Шаҳзод", "Шаҳарбой бобо", Дўстлик туманидаги "Монте-Карло", "Фарҳод", Пахтакор туманидаги "Дурдона", "Файзимурод бобо" фермер хўжаликлари ҳар гектар ғалла майдонидан 60 центнердан ошириб ҳосил олдилар.

–Лалми ерлардан ҳосил олишнинг ўзи бўлмайди, - дейди Ғаллаорол туман машина трактор парки очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти раиси Равшан Тўхтамишев. – Келгуси йил ҳосили учун ҳам ҳозирданоқ пухта замин тайёрлаш керак. Бунинг учун ғалладан бўшаган майдонларни пешма-пеш ҳайдаш талаб этилади. Шу сабабли "Магнум" русумли ҳайдов тракторларини ҳозирданоқ гуруҳларга бўлиб, далаларга чиқардик.

Айни пайтда шартномавий режа уддаланган бўлса-да, ҳали далаларда ғалла мўл. Вилоятда ўрим-йиғим ишлари давом этмоқда.

**Эргаш ТОЛИПОВ**


## "FINANCE CITY" ОАЖ ИК акциядорлари диққатига!

"FINANCE CITY" Очиқ акциядорлик жамияти инвестиция компанияси 2005 йил 21 йил куни соат 10.00 да акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қилади. Йиғилиш: Тошкент шаҳри, Халқлар Дўстлиги майдони, Олмазор мавзеи, 14-уй, 83-хонадонда бўлиб ўтади.

Акциядорларни соат 9.00 дан рўйхатга олиш бошланади.

Акциядорларнинг Умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхати 2005 йил 20 май ҳолатига тузилган.

**КУН ТАРТИБИ:**

1. Жамият оралиқ балансини тасдиқлаш.
2. Турли масалалар.

Акциядорлар паспорт билан, вакиллар эса нотариус тасдиғидан ўтган ишончнома билан келишлари керак.

Қўшимча маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Халқлар Дўстлиги майдони, Олмазор мавзеи, 14-уй, 83-хонадон.

Маълумот учун телефонлар: 45-82-25, 144-80-44

**Тугатиш комиссияси**


ХОРАЗМ ТОМОНЛАРДА

## Болам деб яшайди дунёда ўзбек

***Хоразм вилояти Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, кўп болалик ва кам таъминланган оилалар фарзандларидан иборат навбатдаги гуруҳ Тошкент вилоятининг соғломлаштириш оромгоҳларига жўнаб кетди. 245 нафар ўғил ва қиз "Чимён", "Бойчечак", "Хумо", "Гўзал" ва бошқа оромгоҳларида бўлиб қайтишади.***

Вилоят касаба уюшмалари бирлашмасидан олинган маълумотга қараганда, бу йил вилоятдан ташқаридаги ана шундай сўлим гўшаларда меҳнаткашларнинг 1500 нафар фарзанди соғлиғини мустаҳкамлайди.

## Томчисида ҳаёт малҳами

Хонқа туманидаги "Ўзбекистон" ширкат хўжалигининг "Наврўз", "Тома", "Дурвадик" маҳаллаларининг 2200 га яқин хонадони Германия технологияси асосида қуриб битказилган сув таъминоти иншоотлари фаолияти натижасида тоза ичимлик сувидан фойдланиш имкониятига эга бўлдилар.

## Оқ йўл

Урганч Давлат университети қошидаги 2-сон академик лицейида шаҳардаги ўрта махсус касб-ҳунар коллежларини имтиёзи диплом билан тугатган битирувчиларга етуклик шаҳодатномасини топшириш тадбири бўлиб ўтди.

## Хивада халқаро ярмарка

Хивада "Қадимги Хоразм маданияти - 2005" халқаро туристик ярмарка бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг 30 дан ортиқ мамлакатларидан ва ўнлаб халқаро ташкилотлардан келган вакиллар Хоразмда сайёҳлик инфратузилмасини такомиллаштириш юзасидан фикр алмашдилар.

**Пўлат БЕКМЕТОВ**

## ҚИРҒИЗИСТОН:
# Ишончли ғалаба



***Қирғизистонда Президент сайлови бўлиб ўтди. Унда Қурманбек Бакиев 88,92 фоиз овоз олиб, ғалаба қилди. Ҳаво иссиқ бўлишига қарамасдан деярли барча сайлов участкаларида сайловчиларнинг фаоллиги кузатилди.***

Сайловнинг боришини кузатган халқаро ташкилотларнинг кузатувчилари жиддий қонунбузарлик ҳолатларини аниқлашмади.

Қурманбек Бакиев 1949 йил 1 август куни Жалолобод вилоятининг Сузоқ туманида туғилган. Куйбишев политехника институтини "Электрон-ҳисоблаш машиналари" мутахассислиги бўйича тугатган. Сўнгра Кўкёнғоқ шаҳрида завод директори бўлиб ишлади. Қурманбек Бакиев 1992 йилдан бошлаб туман ва вилоят маъмурий идораларида фаолият кўрсатди. 1995-1997 йилларда Жалолобод вилояти губернатори, 1997-2000 йилларда эса Чу вилояти губернатори бўлди. Сўнгра бир йил Қирғизистон Бош вазири вазифасида ишлади. Кейинчалик эса мамлакат парламентида депутатлик фаолиятини кўрсатди. 2005 йилнинг март ойидан бери у мамлакат президенти вазифасини бажариб келмоқда.

Сайловда иккинчи ўринни инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси Турсунбой Бакир ўғли олди. Сайловда қатнашган бошқа номзодлар эса сайловчиларнинг жуда кам овозларини олдилар.

ШАРҲ

Умумхалқ овоз бериши мамлакатда ва ташқарида ташкил этилган жами 2182 сайлов участкаси уюшқоқлик билан ташкил этилди. Россия Федерациясининг Санкт-Петербург, Қозон, Оренбург, Ростов-Дон, Красноярск, Иркутс, Челябинск ва Самара шаҳарларида яшаётган жами 300 мингдан ортиқ Қирғизистон фуқаролари ҳам овоз беришда қатнашдилар. Энг охирги маълумотга қараганда, овоз беришда қатнашганлар умумий сонининг 74,76 фоизини ташкил этди.

Қирғизистон МСК раиси Туйғунали Абдураимовнинг гапига қараганда, сайловга давлат бюджетидан тахминан бир миллион доллар сарфланган. Бироқ, у ҳар бир номзод президент сайловида қатнашиш учун қанча маблағ сарфлаганини ҳозирча айта олмади. Бу маълумотлар кейинчалик аниқланади.

Хориж оммавий ахборот воситаларининг хабарларига қараганда, сайловнинг боришини жами 54 мамлакатдан келган 947 нафар кузатувчи назорат қилган. Улар жами 20 нафар халқаро ташкилотлардан вакил қилинганлар. Ана шундай ташкилотлар орасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти сингарилар бор. Хорижлик кузатувчиларнинг берган баҳоларига қараганда, ҳеч қандай жиддий қонунбузарликлар ҳамда маъмурий тазйиқлар ўтказилмаган. Ҳозир мутахассислар сайловнинг халқаро демократик стандартлар даражасида ўтганлиги аниқлаш юзасидан иш олиб боришяпти. Айниқса, ЕХҲТ ва МДҲ томонидан ташкил этилган комиссиянинг хулосаси жуда муҳим ҳисобланиб, шунинг натижасига кўра мамлакатга хориж инвестицияси киритилиб, иқтисодий ёрдам кўрсатилиши мумкин.

**И. НОРМАТОВ, сиёсий шарҳловчи.**

УГОЛЬ бпк 12,7 ▲ + 0,3 | ЦЕМЕНТ (Навоий) 49,5 ▲ + 4,3 | АРМАТУРА 392,8 ▼ - 20,6 | Символы цен: ▲ + Увеличилась: ± не изменилась; ▼ – Снизилась: +0,0 на сколько сум | Сум/кг | Средневзвешенные цены за неделю для заключения прямых договоров на сайте: UZEX.COM УзРТСБ

# Маънавиятсиз эркинлик бўладими?

(Боши 1-бетда)

Даврада ўтирган қирқ ёшлардаги бир киши гапга аралашди:

– Мен давлат ишида ишлайман. Бироқ намоз билан рўзани канда қилмайман. Баъзан намозни ишхонада ўқиб оламан. Лекин ҳали бирон одамдан таъна эшитганим йўқ. Бу эркинлик эмасми?

– Тўғри, биродар, – талмовсиради домла, – кейин яна бемалол бўлади, демокчиман-да.

Домла йигитга мурожаат қилдим:

– Тақсир, демократияни яхши кўрар экансиз, бироқ демократия ниқоби остида ғарбнинг турмуш тарзи кириб келаётганлигидан хабарингиз борми?

– Кириб келса нима қилибди, ҳар ким ўзига маҳкам бўлса бўлди-да, - деди у.

– Маънавиятимиз, миллий қадриятимиз, ўзлигимиз нима бўлади? миллатимиз шаъни, эртанги кунимиз-чи? Ўзгаларнинг турмуш тарзига мослашамизми? Унда авлод-аждодимиз, ота-боболаримиз руҳи безовта бўлмайдими?!

– Тўхтанг, ваҳима қилманг, ака, – деди домла йигит менинг гапимни бўлиб, – олдин ўша демократияси келсин, кўрайлик, уёғи бир гап бўлар. Мабодо ўқитувчи эмасмисиз?

– Журналистман.

– Э, ҳа, журналистлар ҳамиша ҳукуматнинг гапини гапиришади! – деди у такаббурлик билан.

– Сен кимнинг гапини гапиряпсан?

– Диннинг.

– Бекор айтибсан, – дедим унга, – динда демократия ҳақида гап борми?! Сен динга хиёнат қиляпсан, миллат ва маънавиятни ҳақоратлаяпсан!..

Мен шундай деб ташқарига чиқиб кетдим. Кейин сўраб-суриштирсам, бу домла йигит ваҳобийлар йўлини тутган экан. Уни нафақат қўни-қўшни-ю таниш-билишлари, ҳатто қариндош-уруғлари ҳам ёқтиришмас экан.

Ҳа, орамизда шундай одамлар бор. Улар ўзларининг қандайдир ғараз ёки аразлари йўлида ҳатто ўзгаларнинг турмуш тарзиларини тарғиб қилишдан ҳам ор қилмайдилар. Бу, аввало, диний эътиқодга, қолаверса, миллий маънавият ва миллий қадриятларга хиёнатдир.

Бизга маънавиятсиз эркинлик керакми? Сиз домла йигитнинг гапини эшитдингиз. Энди машҳур рус актёри Юрий Соломиннинг гапини эшитинг. У яқинда "Аргументы и факты" газетасига берган интервьюсида шундай деди: "Мен: "Демократия! Эркинлик!" деган сўзларни тез-тез эшитиб тураман. Тўғри, демократия – бу эркинлик. Яъни гапириш эркинлиги, асло хулқ-атвор эркинлиги эмас. Биз бу нарсани бутунлай чалкаштириб юбордик".

Ана энди домла билан актёрнинг фикрларини солиштириб кўринг. Демак, хулқ-атворсиз, яъни маънавиятсиз демократия биз хоҳлаган ва бизнинг тушунчамиздаги демократия (эркинлик) эмас. Бошқаларга экспорт қилинаётган, яъни бизларга ҳам тиқиштирилаётган демократия эса маънавиятсиз эркинлик бўлиб, ўзгалар ўйлаб топган ноахлоқий турмуш тарзи нусхасидир. Ғарбий Европада ахлоқсизлик шу даражада авж олиб кетдики, беҳаёлик, бир жинсли никоҳ, ёлғизлик ёки ит билан бирга яшаш оддий ҳолатга айланиб қолди. Яна буни демократик қадриятлар сифатида қонун йўли билан тарғиб қилишаётганига нима дейсиз? Билмадик, домла йигитга бундай қадриятларнинг қай бири ёқди экан?!

Бундай пайтда ўйланиб қоласан киши: эҳтимол, ғарб демократиясини экспорт қилувчилар ўз мақсадларига эришиш йўлида домла йигитга ўхшаган динни ниқоб қилиб олган, аммо эътиқоди мустаҳкам бўлмаган бекарор инсонлардан фойдаланишар?! Айтайлик, бундай инсонлар Ироқда йўқ дейсизми? Бўлмаса, ёллашади. Кимдандир, нимадандир норози бўлганлар ёки ноҳақликка йўлиққанлар ҳамма ерда ҳам топилади. Ғаразчилар ва аразчилардан ҳар нарса кутиш мумкин.

Ана шулар ҳақида ўйлар эканман, Тони Блэрнинг бир гапи шубҳаларимда асос борлигини исботлагандай бўлди. Хабарингиз бор, яқинда Лондонда мудҳиш воқеа юз берди. Террористик ҳуружлар оқибатида бегуноҳ одамлар қурбон бўлди. Фожиа юз бериши биланоқ бош вазир баёнот бериб: "Бу демократия душманларининг иши!" деди. Кейинчалик ҳам бу гапни кўп марта такрорлади ва жаҳон бўйлаб демократияни ёйиш учун курашга қарор қилганлигини таъкидлади. У Ироқни эслади. Демак, зўрлик ва зўравонлик билан бўлса ҳам демократияни экспорт қилиш ундайларнинг ғараз нияти.

Тавба, демократларнинг стратегик мақсадлари ва кураш усуллари большевикларникидан мутлақо фарқ қилмайди. Большевиклар ҳам ўзларининг атеистик турмуш тарзларини бошқаларга зўрлаб тиқиштириш мақсадида ер юзида инқилоб қилиш учун курашгандилар. Энди эса демократлар ҳеч бир тарихий, диний-этник, маънавий-маърифий асосга эга бўлмаган, ўзлари ўйлаб топган турмуш тарзларини бошқаларга зўрлаб тиқиштиришяпти. Ўз хоҳишинг билан бизнинг демократияни танла, бўлмаса мажбур қиламиз! Бу — бугунги кунда дунёга ҳукмронлик қилмоқчи бўлаётганларнинг бош шиори. Бу шиорнинг хавфли ва ғаразли мақсадидан бугунги кунда кўплаб давлатларнинг раҳбарлари, юзлаб таниқли давлат ва жамоат арбоблари, минглаб сиёсатчилар ҳайратда. Зўравонлик ҳеч кимнинг фикри, таклиф-мулоҳазаси, эътирози билан ҳисоблашишни исташмайди. Улар ўз мақсадлари йўлида фанатик (мутаассиб) бўлиб қолишган. Бироқ улар ўзларини эмас, балки ўз миллий анъана ва қадриятларига меҳр қўйган асл инсонларни фанатик деб камситишади.

Бир пайтлар Россияда ғарб демократиясига сиғинишда иккита машҳур курашчи етишиб чиққан эди. Улардан бири Александр Солженицин бўлиб, бу машҳур адиб АҚШда ғарб демократияси шароитида яшаб кўрди. Афтидан, унинг "демократик" қадриятлардан ҳафсаласи пир бўлди, шекилли, оташин курашчи ҳали ғарб демократиясини ўзлаштиролмаётган ватанига қайтди ва бугунги кунда Россияга ҳам тиқиштирилаётган демократияга баҳо бериб, яқинда телеэкранда айнан шундай деди: "Демократия ҳеч бир мукаммал қонун, ҳеч бир доно сиёсатчи томонидан юқоридан туриб ўрнатилиши мумкин эмас... Демократия қопқоқ сингари ўрнатилмаслиги лозим. Демократия кўкка қараб ўсадиган барча ўсимликлар каби фақат пастдан юқорига қараб ўсиб бориши мумкин. Демократияни қурол билан олиб келиб, мажбуран ўрнатиб бўлмайди". Бу ғарб демократиясини синовдан ўтказган ақлли инсоннинг гапи.

Бундан йигирма йил олдин танилган иккинчи "машҳур" курашчи журналист Валерия Новодворская бўлиб, у ҳамон ғарб демократиясига сиғиниб, унга етолмай юрибди. Эҳтимол, ғарбга бориб яшаб келса, унинг ҳам "ақли кириб" қолар. Ҳозирча эса оқ билан қорани ажрата олмай, ғарб демократиясини нафақат рус аксилдемократларидан, балки Вьетнам, Мўғулистон, Хитой, Шимолий Корея каби давлатлардан ҳам ҳимоя қилмоқда. Ғарбга сиғинаман, қуллуқ қиламан, деб очиқ айтяпти у. Шунинг учун ҳам Новодворская Ғарбдаги тузумга ҳамда ғарбликлар турмуш тарзига хос бўлмаган ҳамма нарсани қоралаяпти. Ҳукуматни эса фақат танқид қилиш билан кўнгли таскин топади. Бу курашчи оғзига келганини гапиради, кўнгли тусаган ишни қилади, ўзини бошқалардан кўра ақллироқ ва доноροқ деб ҳисоблайди.

Новодворскаяга ўхшаганлар бизда йўқ дейсизми? Бор. Ҳеч ким ва ҳеч нарса ёқмайдиганлар бизда ҳам бор. Уларга гап уқтиролмайсиз, сув юқтиролмайсиз. Уларнинг назарида агар ғарб демократияси келса, ҳаммаси жойига тушармиш: гўё порахўрлик, тамагирлик, ноҳақлик, қонунбузарлик, сансалорлик, жиноятчилик ва бошқа иллатлар ўз-ўзидан йўқолиб кетармиш. Аксинча, уларда порани ботмонлаб олади, десангиз – ишонишмайди, қотиллик кўплигини айтсангиз – ёлғон бўлса керак дейишади, меҳнатга ҳақ тўлашда ирқий камситиш борлигини мисоллар билан асослаб берсангиз – иккиланишади, беҳаёликни кўрганларингиз бўйича таърифласангиз – унчалик эмасдиров, дейишади.

Бизда ҳам шундай одамлар борки, ғарбга бормасдан ва ғарбдаги ҳаётни кўрмасдан, у ердаги маънавиятсиз эркинликнинг моҳиятини идрок этмасдан туриб, ғарб демократиясини замонавийлик тимсоли, деб тушунишади. Кечирасиз, биз ўзбеклар учун ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган миллий анъана ва қадриятларсиз ҳаёт ҳаётми? Қайси ўзбек кампири ёлғиз ўзи бир хонада невара ўрнига кучукчаси билан "гурунглашиб" ўтиради, қайси ўзбек чоли бир стакан пиво олиб, бўш вақтини кўчаларда "хушнуд" ўтказади, балоғат ёшига етган қайси ўзбек қизи дўконга бориб ўзига "эр", қайси ўзбек йигити "хотин" сотиб олади?! Ахир булар биз учун ақлбовар қилмайдиган ҳолатлар-ку!

Мен ғарб демократияси гуллаб-яшнаган давлатларда бўлиб, буларни ўз кўзи билан кўрган инсон сифатида гапиряпман. Биз етти авлодимизни билишимиз шарт. Улар ўз ота-оналари кимлигини билишмайди. Биз топганимизни фарзанд тарбиясига сарфлаймиз. Улар емай-ичмай ит боқишади. Биз ота-она меҳрисиз яшай олмаймиз. Улардаги индивидуализм ота-она меҳридан маҳрум қилади. Биз маҳалласиз яшай олмаймиз. Улар ёлғизликни афзал кўришади. Биз бировларнинг турмуш тарзини қабул қилолмаймиз. Улар ўз турмуш тарзиларини вазиятга қараб мослаштиришади. Бор ҳақиқат шу. Бу ёғи энди бизнинг ақл-идрок билан йўл тутишимизга боғлиқ.

Ана шундай маънавиятсиз эркинликка бизнинг домла йигитимиз муштоқ. Демак, ғарб демократияси экспортчилари ишлашяпти. Ишлаганда ҳам бутун воситаларни ишга солишяпти. Шубҳасиз, биринчи навбатда иқтисодий омилларни ҳаракатга келтиришади. Дарвоқе, моддий манфаатдорлик турганда эътиқодини ҳам унутган айрим диндорлару ҳожиларнинг кўпини кўрдик, кўряпмиз ҳам. Баъзи диндорларнинг тақволари фақат оғизда. Буни ҳаётда кўриб турибмиз.

Энди енгил-елпи ҳаётга ўрганган баъзи ёшларга келсак, улар ғарбнинг маънавиятсиз, беҳаё, олатасир турмуш тарзига муккасидан кетишган. Бу ҳам бор ҳақиқат. Улар ғарб демократияси экспортчилари учун осон ўлжа. Уларнинг онглари тез заҳарланади. Кўрмаганнинг кўргани қурсин деганларидек, улар олатасир ҳаётнинг "мазаси"ни татиб кўрганларидан кейиноқ ўзгариб, фанатик бўлиб қолишади. Сўнгра уларнинг қулоқларига гап кирмайди. Тўғри маслаҳат берганларни демократия душманларига чиқариб қўйишади. Бу аслида демократия экспортчилари ўйлаб топган тамға.

Бугун Тони Блэр бундай тамғани Ироқдаги урушга қарши бўлганларга босаётган экан, эртага кимдир бу тамғани ўз миллий маънавияти ва миллий қадриятларини ҳимоя қилаётганларга босмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди. Бугун бир домла ғарб демократиясини ҳимоя қилаётган экан, эртага кимдир ўз эътиқодини сотган диндорни рағбатлантирмайди, деб ҳеч ким айтолмайди. Бугун бир давлат бошқа бир давлатга ўз ҳукмини ўтказиш учун зўрлик қилаётган экан, эртага кимдир ўз мустақиллиги ва дахлсизлиги учун курашаётган бошқа бир давлатни ютиб юбориши турган гап. Бугун бир халқ бошқа бир халққа ўз турмуш тарзини тиқиштираётган экан, эртага кимдир ўзининг келажаги ва миллий қадриятлари учун курашаётган бошқа бир халқни қуллуқ исканжасига солиши ҳақиқат. Шундай экан, хушёр бўлайлик, азизлар! Бизнинг халқимизга анқовлик эмас, донолик хос. Ақл-идрок – инсонга берилган неъматларнинг улуғи. Ана шу неъматдан қай даражада баҳраманд бўлиш ҳар биримизнинг ўзимизга боғлиқ. Носир Хисрав айтганидек:

*Ақлнинг олтиндан*
*ортиқлиги бор,*
*Одам олтин билан*
*бўлолмас хушёр.*

**Иброҳим НОРМАТОВ**

# Зоминда ёш ижодкорлар байрами

**АНЖУМАН**



***8-10 июл кунлари Жиззах вилоятининг сўлим гўшаси – Ўриклисойда республика ёш ижодкорларининг анъанавий семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Уни халқимизнинг севимли шоири Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов табрик сўзи билан очди.***

Республика ёш ижодкорлари ҳар йили ёзнинг айни шу дамларида Зомин тоғлари бағридаги сўлим Ўриклисой оромгоҳида анъанавий ижод гулшанига жам бўлишади.

Юртимизда иқтидорли, талантли ёшларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилаётганлиги қувонарлидир. Бу йил тўққизинчи бор ўтказилган ёш қаламкашларнинг Зомин учрашуви миллий адабиётимиз равнақи йўлида амалга оширилаётган қутлуғ ишлардан яна биридир. Илк ижодий машқларини шу анжуманда тенгдошлари даврасида ўқиган, устозлар имтиҳонидан ўтган ёшларнинг кўпчилиги бугунги кунда адабиётимизда ўз овозини топиб улгурди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 14 йиллиги арафасида ўтказилган ёшларнинг бу галги учрашуви алоҳида мазмунга эга бўлди. Анжуманда мамлакатимизнинг барча вилоятлари ва туманларидан эллик нафардан зиёд истеъдодли ёшлар қатнашдилар. Улар ижодида Ватанимизнинг бугунги салоҳияти, эртанги куни ҳақида ўйлар, соф севги ва муҳаббат, гўзаллик тараннуми ва ёшларни ўйлантираётган муаммолар акс этган. Бу ижод намуналари ўзбек адабиётининг дарғалари бўлган устозларнинг синчков нигоҳидан ўтди, тенгдошлар орасида қизғин баҳслар мавзусига айланди. Қадимги Зомин ўлкасининг сўлим арчазорлари қўйнида жойлашган Ўриклисойнинг кўрку тароватни янада ортиб, илҳом тўла қалбларни туташтирди.

**Толибжон ЭРГАШЕВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

**СУРАТДА: ёш ижодкорлар семинар-кенгашидан лавҳалар.**
**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.**



# SPORT OLAMIDA

## Эронда кураш мусобақаси

***Сўнгги йилларда дунёнинг кўплаб давлатларида кураш мусобақалари ўтказилмоқда. Ана шундай баҳсларнинг навбатдагиси Эронда бўлиб ўтди. Унда Осиё ва Европа давлатларидан келган 40 нафар полвон ғолиблик учун кураш олиб борди.***

Енгил вазнлилар ўртасида финал беллашувларида хитойлик Дон Шен Ма (66 килограмм) ғолибликни қўлга киритган бўлса, 73 килограмм вазнли полвонлар баҳсида Ҳамза Ҳайдарийнинг қўли баланд келди. 81 килограмм вазнли курашчилар ўртасидаги финал баҳси мезбонларнинг икки вакили Носир Акбарий ва Али Акбарий ўртасида кечиб, Носир полвоннинг омади чопди. 90 килограмм вазнгача бўлган полвонлар ўртасида ғолиблик озарбайжонлик Рамил Аматовга, энг оғир вазнда эса эронлик Мусо Анан Форушга бас келадиган рақиблар топилмади.

## "Молдова опен"да ҳамюртларимиз

***Молдовада ўтказилган стол тенниси бўйича "Молдова опен" халқаро турнирида Румыния, Украина, Исроил, Белорусь, Ўзбекистон каби давлатлардан 240 нафар спортчи иштирок этди.***

Саидикром Бурхонхўжаев бошчилигидаги Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ҳам рақибларига қарши муносиб баҳс олиб боришди.

18 ёшгача бўлган спортчилар баҳсларида иштирок этган Мадина Аюбова олтин медални қўлга киритган бўлса, ўғил болалар беллашувларида Евгений Цой кумуш медал билан тақдирланди. Катта ёшдагилар мусобақаларида ўз омадларини синаб кўрган Саида Бурхонхўжаева бешинчи, Манзура Инятова тўққизинчи ва Тимур Шарипов ўн иккинчи ўринни қўлга киритди.

## Янги рекорд

***Лозаннада енгил атлетика бўйича ўтказилган Гран-при туркумига курувчи мусобақада янги рекорд ўрнатилди.***

Аёллар ўртасида ташкиллаштирилган баландликка лангар билан сакраш баҳсларида иштирок этган Елена Исинбаева 4 метр 93 сантиметрни забт этди.

Бу у томонидан ўрнатилган 14-рекорддир. Эслатиб ўтамиз, Елена сўнгги бор ўтган йил кузида 4,92 натижани қайд этганди.

## Костя ЦЗЮ: "Мен кучсиз эдим"



***Профессионал бокснинг IBF версияси биринчи ярим ўрта вазнда собиқ жаҳон чемпиони Костантин Цзю Буюк британиялик рақиби Рикки Хаттондан мағлубияти сабаблари ҳақида ўз фикрларини айтиб ўтди.***

"Родная Газета" газетасига берган интервьюсида боксчи жангдаги мағлубиятини қуйидагича изоҳлайди: "Мен Хаттондан кучсиз эдим ва бу мағлубиятимнинг асосий сабабидир. Кўпчилик эса буни омадсизликка йўймоқда. Лекин боксда ҳамма нарса спортчига боғлиқ". Шунингдек, Костя жангдан сўнг анча вақт шифокорлар назоратида бўлганлигини ҳам маълум қилган.

"Жангнинг охирида мен жуда чарчаб қолдим, – деб сўзини давом эттирган боксчи. – Лекин бундай ҳолат деярли ҳар жангимда бўларди ва мен кейинги дақиқаларда яна янги куч билан ҳаракат қила олардим. Аммо бу сафар бундай бўлмади. Бокс шундай спорт турики, ҳамма нарсани битта зарба ўзгартириб юбориши мумкин".

Шунингдек, мағлубиятидан сўнг мураббийи Жонни Льюис билан бўлган шов-шувли муносабати ҳақида ҳам боксчи ойдинлик киритиб ўтган. Жумладан, мураббий жангни ўз хоҳиши билан тўхтатгани жуда тўғри иш бўлган экан. Кўпчилик эса Жонни Льюис Костяни тўхтатиб қолиб, унинг мағлубиятини тан олишга мажбур қилди, деган хабарларни тарқатди. Лекин ўша дақиқаларда мураббийим менинг аҳволимни бошқалардан кўра яхшироқ биларди ва у хато қилмади.

## Жерард "Ливерпул"да қолди

***Стивен Жерард "Ливерпул" билан 2009 йилгача янги шартнома тузди. Шу билан 25 ёшли ярим ҳимоячини "Ливерпул"ни тарк этади, деган миш-мишлар барҳам топди.***

Сўнгги кунларда Англияда Стивен "Ливерпул"ни тарк этиб, "Челси"га ўтаётгани ҳақида хабарлар тарқатилганди. Лекин Роман Абрамович томонидан таклиф қилинган 32 миллион фунт-стерлинг (55 миллион АҚШ доллари)га Жерард ўз жамоасини алмаштиришни хоҳламади. Энди у Европанинг энг яхши жамоаси таркибида яна камида тўрт йил тўп суради.



"Ливерпул"нинг яна бир иқтидорли футболчиси Жейм Кэррагер ҳам 2009 йилгача ўз жамоасида қоладиган бўлди. Жамоа бош мураббийи эса бу масалани қуйидагича изоҳлади: "Жерард ва Кэррагер "Ливерпул"нинг сўнгги йиллардаги рамзларидир ва биз уларни қолишларини хоҳладик".

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**

**ХАБАРЛАР**

# Қишлоқ оромгоҳларида

***Шу кунларда коллежлар қошида ташкил қилинган оромгоҳларда ҳам фарзандларимиз ёзги таътилни мароқли ўтказишяпти. Айниқса қишлоқ мактаблари ўқувчилари бундай ғамхўрликдан мамнун бўлишмоқда.***

Самарқанд вилоятидаги қишлоқларда жойлашган барча коллежларда бундай оромгоҳлар ташкил қилинган. Бу ерда ўқувчилар спорт билан мунтазам шуғулланадилар, турли тўгаракларда қатнашадилар, энг замонавий компьютерларда машғулотлар ўтказадилар.

- Оқдарё туманидаги педагогика коллежи оромгоҳида ҳам 6-синфгача бўлган ўқувчилар ҳордиқ чиқаришмоқда, - дейди ушбу коллеж директори С.Саъдуллаев. - Фарзандининг ўн икки кун мириқиб дам олиши учун ота-оналар атиги 2500 сўм тўлайди.

Барча қулайликларга эга бу оромгоҳлар ўсмир ёшларнинг севимли масканига айланган.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**



*-Музқаймоқ ширин эканми?*

Б.АКРАМОВ олган сурат-лавҳа.

# Сингапурга йўлланма

***Халқаро бизнес марказида WCG ташкилий қўмитаси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси ҳамкорлигида компьютер ўйинлари бўйича ўтказилаётган Ўзбекистон чемпионатининг финал босқичи бўлиб ўтди.***

WCG компьютер ўйинларининг саралаш босқичи жорий йилнинг майидан июль ойига қадар ўтказилганди. Саралаш босқичида мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан тўрт хил ўйин бўйича жами уч мингдан ортиқ иштирокчилар ўзаро беллашишди. Уларнинг 64 нафари финал босқичига етиб келди.

WCG ўйинлари бутун дунёда ўтказилади. Ўзбекистонда бу ўйин уч йилдан буён ўтказилиб келинмоқда. Асосий мақсад, мамлакатимиз ёшларини замонавий ахборот технологияларидан бохабар этиш, уларни бу борадаги билимларини ошириш ва компьютер ўйинлари мусобақасининг жаҳон чемпионатларида ғолибликни қўлга киритишларини таъминлашдан иборат. Ўйинларда саккиз нафар ғолиб аниқланди. Улар шу йилнинг сентябр ойида Сингапурда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

**"Туркистон-пресс"**

**АФСУС**

# Чойхонасиз қолган Хумсон

***Бўстонлиқ туманидаги гўзал Хумсон қишлоғи оддий чойхонага ҳам ёлчимай қолди десак, ҳайрон қоларсиз. Республикамизнинг қайси қишлоғию, маҳалласига борманг, одамлар сўлим чойхоналарда, соя-салқин дарахтлар тагида бир пиёла чой устида ўзаро дилдан суҳбатлашиб ўтирганини кўрасиз.***

Хумсонда эса бугун бунинг тескариси. Қариялар, меҳнат фахрийлари гузардаги дуч келган жойда, чанг-тупроқ ичида тўдалашиб ўтиргани ёки соатлаб тик туриб, гаплашаётганига кўзингиз тушади. Чунки қишлоқда маданий ҳордиқ оладиган жойнинг ўзи йўқ. Бир вақтлар қишлоқ аҳли ҳашар йўли билан чойхона қурган эди. Марҳум Мирзааҳмад Холиқов бу ишга бош-қош бўлгани ва қурилишни маблағ билан таъминлаганини ҳамма билади. Элнинг корига яраб турган бу чойхона ҳеч ким билан маслаҳатлашилмаган ҳолда ими-жимида сотиб юборилди. Ҳозир бу ерда сомса, нон ёпилади, бир хонаси пивохона. Хуллас, маданий ҳордиқ оламан, бемалол гурунглашиб ўтираман, деган одамга бу ерда жой топилмайди.

Фуқаролар йиғини раиси ва маҳалла оқсоқолларининг эътиборсизлигидан ранжиган хумсонликлар яна ўзаро пул, материаллар йиғиб, бир вақтлар чойхона бўлган ва кейинчалик қаровсиз қолиб, хароб ҳолда ётган бир кичик бинони ҳашар йўли билан таъмирлаб, чойхона ўрнида фойдаланиб туришган эди. Яқинда уни ҳам "кўп" кўришди, чоғи, ширкат хўжалигининг янги раиси "Бу бино ширкат балансида, сотиб, пулини ширкат қарзига тўлаймиз", деса, фуқаролар йиғини раиси Салоҳиддин Ашуров: "Бу ерда ўқув биноси бўлади, ҳокимдан рухсат олганман", деб эшикни қулфлаб олди. Ҳозир у неча-неча қариялар, уруш иштирокчилари, меҳнат фахрийларининг "Яхши иш қилмаяпсан, кўпчиликка қарши борма, чойхонани халққа қайтариб бер", деган гаплари, насиҳатларини писанд қилмай юрибди.

Ёшларга касб-ҳунар ўргатиш учун ўқув биноси керак десак, қишлоқда фойдаланмасдан ётган бошқа иморатлар ҳам бор. Ширкат ва фуқаролар йиғини идоралари эгаллаган биноларда ҳам ортиқча хоналар мавжуд. Буларнинг ҳаммасини кўриб-билиб турган раиснинг бизга қилаётган муомаласидан қаттиқ ранжидик. У ваъда қилаётган ўқув машғулотларидан эса дарак йўқ.

Иш шу йўсинда кетса, бечора чойхона биноси ҳали кўп сарсон бўладиганга ўхшайди.

**Бир гуруҳ фуқаролар номидан**
**Унар САЙТМЕТОВ,**
**Эргаш ҚОРАБОЕВ,**
**Нортожи ЙЎЛДОШЕВ.**

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Озод ШАРОФИДДИНОВ, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Фахриддин КАЛОНОВ, Ғафур ШЕРМУҲАММАД.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 136-58-83, 136-56-25, Котибият - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс - 133-44-43, 133-40-87

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон - 8-374-22-234-08; Бухоро – 8-365-22-644-61; Жиззах - 8-372-22-648-72; Навоий - 8-436-22-60-525; Наманган - 8 - 369-41-234-23; Фарғона - 8-373-61-221-97; Самарқанд - 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё - 8-367-37-23-813; Тошкент - 8-371-136-56-21; Хоразм - 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар
ⓗ -тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Навбатчи: Ш.ОРТИҚОВ
Саҳифаловчилар: А.ИСМОИЛОВ, Р. ЁДГОРОВ, А. САФОНОВ
Мусаҳҳиҳ: М. АБДУСАМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2003 йил 20 ноябрда № 050 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади

Буюртма Г-619, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

E-mail: kishlokhayoti@mail.ru

Босишга топшириш вақти: 21.00.
Босишга топширилди:
Адади -10042

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6